

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УДК 342.1

**Магистратура бўлими
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ҚЎЙИЛДИ”**

**Бўлим бошлиғи
Н.И.Асқаров**

“ҲИМОЯГА

**Кафедрамудир
Т.Т. Мадумаров**

“ ” _____ 2016йил
“ ” _____ 2016йил

**«Фуқароларни ижтимоий-маърифий фаоллаштиришда ўзини ўзи
бошқариш органларининг аҳамияти»**

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: ю.ф.д. проф. Й.Рахимов

**Бажарди: Фозилов Ботир Закирович Ижтимоий гуманитар
фанлар ўқитиш методикаси (маънавият асослари) йўналиши
магистранти**

АНДИЖОН – 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	
	.3
I БОБ. МАҲАЛЛА – ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.	
I.1 Маҳалла – баркамол шахс тарбиясида асосий бўғин сифатида.....	9
I.2 Соғлом мухитни шакллантиришда маҳалланинг ўрни.....	16
I-боб	бўйича
хулоса.....	30
II БОБ. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯРАТИШНИНГ ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ.	
II.1 Баркамол шахсни тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институтининг ҳуқуқий ваколатлари ва уларни амалга ошириш.....	32
II.2 Маҳалла фуқароларини интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати.....	38
II-боб	бўйича
хулоса.....	48
III БОБ. МАҲАЛЛА – ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ДИНИНГ ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МУҲИМ МАСКАНИ.	
III.1 Диний экстремизм мафкурасининг ёшларни ўз таъсирига олишга уринишнинг сабаблари ва мақсадлари.....	50
III.2 Маҳалла – диний экстремизмга қарши курашишда мафкуравий иммунитетни шакллантириш маскани.....	60
III-боб	бўйича
хулоса.....	73
ХУЛОСА	75
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	78

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда адолатли демократик жамият бунёд этиш бош мақсад қилиб белгиланди ва бу мақсад сари изчил қадам қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида алоҳида таъкидлаганидек “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади- бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”¹.

Ҳаётимизнинг обод қилишнинг муҳим шarti – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир. Шу ўринда истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос уйғониш даврига қадам қўйганини алоҳида қайд этиш жоиз. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда, ўзлимизни, миллий турмуш тарзимизни намоён этадиган фуқаролик жамияти институти бўлган маҳалланинг мавқеъи жуда каттадир.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади”- деб таъкидлаб ўтди.²

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. 34-б.

² Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш- ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил 45 - бет

Тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблиги шундаки, биринчидан, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан ўрганишга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ: иккинчидан, бу жараёнда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатидаги илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш орқали турли хил қарашлар ва ёндашувларга муносабат билдиришнинг зарурлиги билан; учинчидан, фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятлари ва уни шакллантиришнинг асосий йўналишларини ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги; тўртинчидан, юридик фанларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, ривожланиши ва ваколатларини янада такомиллаштиришнинг мезонлари ва тамойиллари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ; бешинчидан, фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида аҳоли ҳуқуқий маданиятининг юксалиши ва ўзини ўзи бошқариш органларида иштирок этиш имкониятлари билан ҳамда олтинчидан, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини ва ролини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институтини тарихий шаклланиш босқичларини, унинг ўзига хос давлат бошқарувидаги ўрни, демократик ва жамоавий анъаналарни шаклланиш босқичи ва ҳозирги замон талабларига мослиги, ижобий натижалар салмоғидир. Фуқароларни ижтимоий фаоллиги натижасида бугунги глобаллашув жараёнига мос равишда маҳалла институтларини ваколатларини ўрганиш уларни кенгайтириш масалалари.

Шунингдек фуқароларни сиёсий, ҳуқуқий маънавиятини ошириш борасида маҳалла институтларини раиси, маслахатчиларини ўрганиш, яни ҳуқуқий нормаларини шарҳини ўрганиш.

Муаммонинг тадқиқ этилганлиги даражаси. Ҳозирги долзарб муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар фуқаролик жамияти ва унинг асосий институти бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари мавзусини четлаб ўтиши мумкин эмас. Жамият ҳаёти учун ўта аҳамиятли бўлган мазкур институтнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, файласуф олимларнинг диққат марказида бўлган.

Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида янги, адолатли демократик жамият қуриш бош мақсад қилиб белгилангач, ушбу масалани илмий ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди.

Ушбу мавзу билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан Ш.И.Жалилов³, З.Исломов⁴, А.Саидов⁵, К.Комилов⁶, М.Сувонқулов⁷, С.Султонов⁸, А.Тўлаганов⁹, Э.Халилов¹⁰, Г. Маликова¹¹, Г.Исмаилова¹², З.Реймова¹³, тарихчи олимлардан

³ Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.-Т.,1994. 192 б.; *Ўша муаллиф*. Маҳалла янгиланиш даврида. - Т., 1994. 72 б.; *Ўша муаллиф*. Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. - Т., 1999. 320 б.; *Ўша муаллиф*. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. - Т., 2001. 160 б.

⁴ Исломов З. Об ўество, государство, право. Тенденции и перспектив қ развития. - Т.: Адолат, 1997. 304 с.

⁵ Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Т., 2000. №1. 11 - 17 б.

⁶ Комилов К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида. - Т., 1997. 149-151 б.

⁷ Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий - ҳуқуқий масалалари: юрид. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 2002. -24 б.

⁸ Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш асосларини ўрганувчиларга услубий қўлланма. - Т.: Чўлпон, 1996. 34 б.

⁹ Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. - Т.: ТДЮИ, 2002. - 196 б.

¹⁰ Халилов Э. Деятельности Олий Мажлиса по пов қшению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского об ўества //Общественные науки в Узбекистане. 1999. №1-2. 3-11 с.

¹¹ Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар) .Ю.ф.н....дисс. автореф. Т. 2004. -24 б.

¹² Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номзоди... дисс. -Т., 2005.-174 б.

¹³ Реймова З.А. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.н. дисс.Т., 2004.-139 б.

Г.Умарова¹⁴ ҳамда сиёсатшунос олимлардан Р.Жумаев¹⁵, М.Қирғизбоев¹⁶, социолог олим А.Ҳолбеков¹⁷ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида номлари қайд қилиб ўтилган олимларнинг илмий ишларига юқори баҳо берган ҳолда шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, улар Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатидаги ўрни масаласини алоҳида тадқиқ этмаганлар. Шунинг учун ҳам биз мазкур муаммони махсус ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида ҳамда баркамол шахс тарбиясини шакллантиришдаги ўрнини ва ролини тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

- ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида ҳамда баркамол шахс тарбиясини шакллантиришнинг моҳиятини ва унинг маъно - мазмунини тавсифлаш, муносабат билдириш;
- ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти қурилишидаги ўрнини миллий- маънавий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда унинг ўзига хос жиҳатларини асослаш;
- “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини ва юксак маънавиятли баркамол шахсни шакллантиришда оиладан кейинги яна бир муҳим макон эканлигини янги эмприк билимларни аниқлаш;
- ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви ва ривожланиши масалаларини кўрсатиш;
- одил фуқаролик жамиятининг қурилиши жараёнида ўзини ўзи бошқариш

¹⁴ Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. Тарих фан. номзоди... дисс. Т., 2003. - 164 б.1

¹⁵ Жумаев Р. Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида. - Т.: Шарқ, 1998.

¹⁶ Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. докт. Илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2007.- 342 б.

¹⁷ Ҳолбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил). Соц. фан. докт. илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2001.

- органларидаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг йўналишларини аниқлаш;
- ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш билан янада бойитиш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш;
 - фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг энг муҳим омили бўлган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этишларининг самарали йўллари аниқлаш;
 - ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада такомиллаштириш йўллари аниқлаш;
 - фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг янада демократлашувига ёрдам берадиган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият барпо этиш назарияси ва амалиётига бағишланган асарлари ва маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар ташкил этади.

Диссертация ишида тадқиқ этилган муаммоларнинг тўғри ечимини топишда ушбу масала бўйича ўз фикрларини билдирган етакчи ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва файласуф олимларнинг илмий ишлари ҳам муҳим назарий-методологик аҳамиятга моликдир.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни масаласи илмий жиҳатдан ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади :

- Юксак маънавиятли баркамол инсонни шакллантиришни моҳияти ва маъно-мазмунини ҳамда асосий хусусиятлари тавсифланган;
- ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти курилишидаги ўрни миллий -

маънавий кадриятларни ҳисобга олган ҳолда унинг ўзига хос жиҳатлари асосланган;

- “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни аниқланган;

- ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатидаги ўрни ва хусусиятлари кўрсатилган;

- ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари ва ваколатларини янада такомиллаштириш йўллари аниқланган;

- эркин ва одил фуқаролик жамиятининг қурилиши жараёнида ўзини ўзи бошқариш органларидаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг йўналишлари аниқланган;

- фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг энг муҳим омили бўлган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этишларининг самарали йўллари аниқланган;

- фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг янада демократлашувига ёрдам берадиган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертациянинг умумий ҳажми 87 бет бўлиб, кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МАҲАЛЛА – ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

I.1 Маҳалла – баркамол шахс тарбиясида асосий бўғин сифатида

Бугунги кунда республикамизда ёш ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки баркамол авлод Ватанимиз келажаги ва наслимиз давомчиси ҳисобланади. Уларни замонавий, комил инсонлар этиб тарбиялаш, улар онгига миллий-маданий, маънавий қадриятларимизни сингдириш, қадимий ва бой тарихимиз билан қуроллантириш, ақлан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб масаласидир. Бу масаланинг ечимини торишда Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи жамият ичида кичик жамият номини олган -маҳалланинг ўзига хос ўрни бор.

Мустақиллик даврида фуқароларнинг маҳаллий Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш юзасидан ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохатлар амалга оширилди. Бу соҳада фуқароларни Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонунни қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ амалий ишлар тахсинга сазовардир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўнг мингдан ортиқ фуқароларни Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда, шулардан саккиз мингдан ортиғи маҳалла фуқаролар йиғинидир . “Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз онгимизда ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз.

Тарихдан маълумки, кишилар азал-азалдан жамоа-жамоа бўлиб яшашга интилиб келганлар. Ҳамжиҳатликда турмуш қийинчиликларини енгиб, мушкул вазиятларда бир-бирларига кўмакдош, ишончли ҳимоячи бўлишган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, қадим замонлардаёқ бугун

биз таъриф бераётган фуқаролик жамиятида, кишиларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўла бошлаган. Шарқда бу жараён минг йиллик тарихга эга бўлган маҳаллалар кўринишида ривожланган бўлса, Ғарб давлатларида кишиларнинг ўз манфаат ва қизиқишларини жамиятда кечаётган жараёнлардан келиб чиқиб ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳар хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар пайдо бўлишига асос солинди.

Узок йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган Л. Левитин ва Д. Карлайл «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» номли китобида қуйидагиларни ёзади: «Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши саналади. Улар «сулола» деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ, тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ва насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садокат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтакани камраб олар эди. Бундай шароитда кимнингдир тажрибаси шахсий мулоқотлар доираси тасарруфидан ташқарига ҳам зудлик билан тарқалиб кетади. Шаҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналарида, маросимларда қатнашиши мумкин. Ранг-баранг оилавий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди».¹⁸

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар, фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат барпо этиш жараёнларидан маълум бўладики, эски тоталитар тузумдан демократик

¹⁸ · Левитин Л. Карлайл Д. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. - Т.: Ўзбекистон. 1996. - 42-43-6

жамиятга ўтиш тадрижий Ҳарактерга эга бўлиб, йўлдаги кийинчиликларни енгиш фуқароларнинг фаол ва кенгрок иштирокини талаб этади. Айникса, эски шаклланган халк менталитети ва дунёкарашида янги жамиятга хос ўзгаришларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятига хос мезонлар ва кадриятларни фуқаролар онгига сингдириш бу соҳадаги энг сермехнат ва машаккатли жараёнлар сирасига киради. Ўтиш давридаги ислохотларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга каратилган жараёнлари ҳам миллий ўзликни англаш, қатор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзига хос усулларни кашф этиши каби қатор изланишлар самараси кўпрок тобора кенгрок турмуш тарзимизга сингиб бормокда. Бу соҳадага ислохотларни чуқурлаштиришда давлатнинг бош ислохотчи сифатида амалга оширган чора-тадбирлари туфайли ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институтига айланиб бормокда.

Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» номли китобида Ўзини ўзи бошқариш органлари учун ўта муҳим бўлган қуйидаги демократик қонидани келтиради:

«Жамиятда демократия кай даражада эканлигани белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халк, қарорлар қабул килиш жараёнларидан канчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халк. томонидан канчалик назорат килиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда канчалик иштирок этишидир».¹⁹

Демак, бундан кўринадики, давлатнинг демократлашуви ва унинг ҳуқуқий давлат макомига эришуви кўп жихатлардан фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш ишларида кенг иштирок этишларига боғлиқ экан. Шу

¹⁹. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. —Т.: Ўзбекистон, 1997.-181-6.

нингдек, демократия — фуқароларни қарорлар қабул қилишда тенглик бўлишини ва унда доимо озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутиб, кўпчилик овози ҳуқуқи асосида қарорлар қабул қилинадиган Ўзини ўзи бошқарувчи тизимдир.

Ўзининг соф шаклида демократик жамият, фуқароларга қарор чиқариш жараёнида бевосита иштирок этишга ишониб, имкониятлар яратиб беради. Бу бевосита демократия деб аталади. Аммо демократик жамиятларнинг катталиги ва мураккаблигини эътиборга олиб, фуқаролар кўп ҳолларда ўз номларидан ҳукмронлик қилувчи ва қарор қабул қилувчи вакилларни сайлашлари таомил тусини олгани учун вакиллик демократия шакли яратилиб, у доимий равишда ўтказиладиган, эркин, ҳаққоний ва рақобатдошлик асосидага сайловларга таянади. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги сайланувчи раҳбар органлар (айниқса, маслаҳатчи лар кенгаши) вакиллик органлари асосини ташкил этади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда қадимдан Маҳалла фаолият кўрсатиб келади. Лекин собиқ иттифок даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиқди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотди, уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ, меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда «кўз ва кулоқ» бўлиб туриш қабиладан иборат бўлиб келди. Собиқ иттифок даврида қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Фақат мустақиллик даврига келибгина маҳалла ўзининг қадимий мақомига эриша бошлади. Шу билан бирга, фуқароларнинг маҳаллий Ўзини ўзи бошқаришининг қонуний мақомини мустаҳкамлаш, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни Ўзини ўзи бошқариш органи сифатида

мустаҳкамлади. Мустакиллик даврида мамлакатда ўн мингга яқин Ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, 9764 та маҳалла мустакил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборини қайтадан мустаҳкамлади.

Мустакиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомига эришиб, у ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф-одатлар бирлиги, инсний, хўжалик, ҳукукий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда ўзаро ижтимоий муносабатларни боғлаб туриш воситасига айланди.

Чиндан ҳам Ўрта Осиёда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакл-маҳалла азалдан мавжуддир. Маҳалла бевосита жамоатчилик тарихи, одамларнинг жамоа бўлиб ҳамжихат бўлиб, уюшиб яшаш тарихи билан бошланган ҳолда икки минг йилдан ортиқ ўтмишга ега. Бу бизнинг миллатимизга хос бўлган воқеалиқдир.

Маҳалла бу кишиларни интилиши ва сайихаракати аҳоллининг ўзига хос ҳаёт тарзи ҳам қадим – қадимдан уларда яшайдиган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, эҳтиёжларини имкон қадар қондириб шакллана бошлаган. Бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ўзи барпо этган бепаён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла муттасадди шахсларга таянгани ва улар билан яқин муносабатда бўлиб, бамаслаҳат иш олиб боргани ўзининг “тузик”ларида шундай келтириб ўтади.

“ Ҳар эл ва Ҳар миллатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға – саломлар бериб хизматларидан фойдаландим”²⁰

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла ва ундаги халқимизнинг азалий удимлари, урф-одатлари ва анъаналарга таянган ҳолда, жамотчилик фикрининг устиворлиги ва унга ёшлиқдан одатланиш

²⁰ . Жалилов Ш .Кучли давлатдан кучли жамият сари. “Ўзбекистон”2001 й .12-бет

улкан тарбиявий вазифани бажаради. Маҳалла кексаларининг ўз тажрибалари асосидаги панд-насихатлари, уларнинг эришган ютиқлари ёшларини кенг дунёқарашли, иродали ва мард жасур бўлиб етишишида, миллий ифтихор, миллий ғурур, эртанги кунга ишонч туйғуларини шаклланишида беқиёс аҳамият касб этади.

“Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ахлининг хулқ атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартиб солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси ҳам деб аташ мумкин“²¹

Халқаро ҳамжамиятнинг кўплаб илмий тадқиқотчи олимлари мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятини ўрганиш жараёнида маҳалла институтини ноёб тизим эканлиги эътироф этиб келинмоқда. Дарҳақиқат маҳалла фуқаролик жамиятини бошқаришда давлат билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш билан бирга эркин фуқаро шахсини шакллантирувчи оилада кейинги ижтимоий макондир. Эркин фуқаро шахси аввалом бор, юксак маърифат ва баркамолликни талаб этади.

Асосий конунимиз Конституцияда фуқороларни ўзини ўзи бошқариш органлари бобида маҳалла ва унинг раислари, маслаҳатчилари ҳамда уларнинг ваколатлари ҳақидаги қоидалар аниқ белгилаб қўйилган. Шунинг билан бирга лозимки маҳалла демократик тамойил асосида тарихан шаклланиб келган ва у бугунги кунда шарқона демократияга хос бўлган ноёб тизимдир. У миллатнинг урф – одатлари, анъаналари ва қадриятлари асосида шаклланади. Унинг асосий функциялари қуйидагича белгиланади :

- тегишли ҳудуд аҳолисини бирлаштириш, барча фуқороларни манфаатларини ҳимоя қилиш , уларни давлат , жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш ;
- тегишли ҳудудда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашга қўмаклашиш ;

33. Жалилов Ш .Кучли давлатдан кучли жамият сари. “Ўзбекистон”2001 й .83-бет

-давлат хўжалик ва ижтимоий маданий курилиш бўйича давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

-Қонунчиликнинг ҳуқуқ тартиботини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда иштирок этди. Маҳалла атамаси, маҳалла фаолияти, маҳалла тарихи ва истиқболнинг ўзи каби кенг қамровли, кўп қиррали, ҳазрати инсон ҳаётининг бутун борлигини, давлат, жамият тизимининг ҳар бир унсурини ўзида мужассам этган. Янги оила дунёга келганидан хабар бериб кўкларга ҳаволанган қарнай садосидан бошлаб инсон умрининг сўнги нафасигача икки эшик оралиғида маҳалла ҳаммамиз учун маскандир.

Ўзбекистонда фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларини такомиллаштириш, зарур ҳолатларда йириклаштириш тадбирлари кўрилмоқда. Агар 1994 йилда 12 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари шакллантирилган бўлса, уларнинг сони 2001 йилда 7847 тани ташкил этди. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқи кенгайтирилди. Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинига: аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан қарорлар қабул қилиш; қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан ўз ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқлари берилди²².

Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги, сиёсий онги тобора юксалиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. 1998 йил ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган сайловлар билан боғлиқ бўлган фуқаролар йиғинларида 8,4 млн киши ёки республикадаги катта ёшдаги аҳолининг 70 фоизи иштирок этди.

Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари,

²² Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. -Т.: 2003.-Б.96.

вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари:

- фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашиш;
- ўз ҳудудларида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;
- давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш.

I.2 Соғлом муҳитни шакллантиришда маҳалланинг ўрни

Халқимизнинг ижодкорлиги ва ҳаётий тажрибалари асосида минг йиллар давомида сайқал топган фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тизими - маҳалла жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган - ҳокимият билан халқни, шахс билан жамиятни бирлаштиришга хизмат қилувчи демократик миллий институтдир.

“Маҳалий ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги Европа Ҳартияси”га сўз бошида:

- “ҳокимиятнинг маҳалий идоралари ҳар қандай демократик тартиботнинг асосларидан биридир;
- фуқаролар ижтимоий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи Европа Иттифоқига аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб қувватланадиган демократик тамойилларидан бири ҳисобланади”²³ деб ёзилган.

²³. И.А. КАРИМОВ. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” “Ўзбекистон” 2000 й. 226-бет

Бугунги кунда жахонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари халқимизнинг маънавий тарбияси ва ижтимоий ҳимояси ҳамда мамлакатимизнинг туб манфаатларини рўёбга чиқаришда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини ада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу соҳада мамлакатимизда кўплаб ҳуқуқий норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида оммавий-ҳуқуқий Ҳарактердаги ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (246-модда), нотариат тўғрисидаги қонунчилик асослари (54,59-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси (191, 192, 194-модда) Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси (87, 203-моддалар) , Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари-1998 йил 23 апрелда эълон қилинган “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш “Обод маҳалла йили тўғрисида”ги Фармон, 2002 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод маҳалла йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амал ошириш бўйича Республика камисиясини тузиш тўғрисидаги Фармойиши 2003 йил 7-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги” Қарори ва бошқалар Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ривожланишида катта рол ўйнайди.

2013 йил 23 апрелида қонуний кучга кирган “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғинлари раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги (2013 йил 24 апрел) янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун 5 боб, 33 та моддадан иборат бўлиб аввалгисидан ҳажми, мазмуни ва таркиби жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Аввалги қонунда 29 та модда бўлган бўлса, янги таҳрирдаги қабул қилинган қонун янги тўртта модда билан тўлдирилган ва кўплаб

қоидаларга ўзгартириш ва тузатишлар киритилган. Унинг мазмуни жиҳатидан маҳалланинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга қўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатларни янада кенгайтирилганлиги демократик ислохотларни чуқурлаштиришда маҳалла институтининг нуфузини оширишга қаратилганлигидир.

Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- тегишли ҳудуд аҳолисини бирлаштириш, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларни давлат, жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш ;

- тегишли ҳудудда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашга қўмаклашиш ;

- давлат, хўжалик ва ижтимоий —маданий қурилиш бўйича республика ва маҳаллий

- аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

- қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш”.

“Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги янги таҳрирдагиги қонунини аввалгиси билан солиштириб, таҳлил қилар эканмиз, аввало, янги таҳрирдагиги қонуннинг 5 моддасига киритилган асосий принциплар ҳақидаги қонидани айтиб ўтиш зарурдир. “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва

анъаналарни ҳисобга олишдан иборатдир”²⁴. Янги таҳрирдаги қонунга юқоридаги тамойилларнинг киритилиши муносабати билан қонунинг янада мукамаллиги таъминланди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда Концепцияда илгари сурилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Экология назорат тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги янги таҳрирдагиги қонундаги ўзгаришлардан яна бири 17-моддада кўрсатилган бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши ҳақидаги нормани киритилишидир. “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунарманчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли...”²⁵

Шунингдек, қонунда тадбиркорларга кредит олишда кўмаклашиш мақсадида фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудида жойлашган тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар олишда белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар ҳам киртилган бўлиб, маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда аҳолини ушбу соҳага жалб этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиш орқали аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда оилалар фаровонлигини юксалтириш имконини яратади.

Жалақудуқ туманидаги Ёрқишлоқ МФЙда қилинган ишларни тадқиқ қилганимизда, 2014 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли 54,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилнинг

²⁴ Халқ сўзи 2013 йил 23 апрел № 77 сони (5751) . 2-бетлар.

²⁵ Халқ сўзи 2013 йил 23 апрел № 77 сони (5751) . 2-бетлар

1-чорагидаги кўрсаткич 57,9 % га, 2016 йилнинг биринчи чорагига келиб 69,1 % га ўсгани кўриш мумкин. Шунингдек 2016 январь – апрель ойида 24 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб ушбу маҳалланинг ўзида 38 та доимий ва 27 та мавсумий иш ўрни яратдилар.

Маҳаллада 3 та олий маълумотли иқтисотчилардан иборат маслаҳат маркази ташкил қилиниб 2016-йилнинг биринчи чораги давомида 9 нафар фуқарога банк томонидан тадбиркорлик фаолиятини, хусусан , оилавий тадбиркорликни чорвачилик ,паррандачилик ҳамда ҳунармандчилик турлари билан шуғулланиш мақсадида имтиёзли кредитларни олишга кўмаклашилди. Маслаҳат маркази кўмаги билан 32 нафар фуқаро яшаш шaroитларини яхшилаш мақсадида замонавий уй - жой мебеллари ва рўзгор буюмлари (Телевизор,компютер ,кир ювиш машинаси ,совутгичлар ва бошқалар) Ҳарид қилишга амалий ёрдам берилди. Маҳаллада 2015-2016 йил биринчи чорагида 2 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ва 6та савдо дўкони барпо этилиб, жами 8 нафар аёллар иш билан таъминланди .

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари янги таҳрирдаги қонуннинг 27-моддасидаги, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятига аралашувига йўл қўймаслик тўғрисидаги норманинг киритилиши бўлди. Шу билан бирга фуқаролар йиғинлари мулки дахлсизлиги ҳамда қонун билан муҳофаза қилиниши ҳақидаги “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан кўриқланади”⁵ нормасини киритилиши мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий маҳаллани ташкил этиш фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартидир

Сўнгги йилларда фуқаролар йиғинларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллашгани, вазифалари кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатлари таъминланаётгани юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланаётганининг амалдаги ифодасидир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек, жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўзига ҳос институти – маҳаллага алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган адолатли институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигидан далолат беради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2013 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар янги тахрирда қабул қилинди. 2013 йилнинг ноябр -декабр ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган навбатдаги сайловда 9756 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99,6 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган 30 дан ортиқ вазифани бажариб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда. Сайловлар чоғида фуқаролар онги ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканини яқол сезилди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш, уларнинг ўз конституцион

хуқуқларини англаш, Ватанга, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, “Баркамол авлод - Ватан фахри” инновацион таълим лойиҳаси таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган Давлат дастурлари доирасида амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши баробарида жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадларда таълим ҳамда тарбия муассасалари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга қартилган чоратadbирлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, жамиятдаги роли ва таъсирини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида маҳалла фаолияти моҳиятан ўзгарди, ваколат ҳамда вазифалари кўлами кенгайди. Фуқаролар билан ишлашнинг янгича тизими яратилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти алоҳида аҳамият касб этаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2013-йил 10-октабрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Мазкур ўқув курси ҳам фуқаролар йиғинлари ходимларининг касб ва бошқарув малакасини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди. Президентимиз қарори асосида ташкил этилаётган мазкур ўқув курслари фуқаролар йиғинлари ходимларининг масъулиятини ошириш баробарида,

махаллалар тараққиёти, ободлиги ҳамда аҳоли билан ҳамжиҳатлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Асосий қонуннинг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишига оид норма ўз ифодасини топди. Конституциянинг 105-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланди. Ушбу конституциявий қоидалар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида янада мустаҳкамланди.

Конституция ва қонунларимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир асосий принциплар ва нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши, давлатимиз томонидан маҳалла нуфузини ошириш нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида баҳоланди. Бунинг натижасида маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоат назоратини таъминлаш, жойлардаги долзарб ижтимоий - иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўринга эга бўлган институтга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2016йилнинг 19 февralида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш

тўғрисида» қарори қабул қилинди. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йил май-июн ойлари этиб белгиланди. Бу сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

Мазкур жараён натижалари юртимизда фуқаролар фаоллигининг ошиб бораётгани ҳамда демократик янгиланишлар самарадорлигининг яққол тасдиғидир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон босқичма-босқич иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислохотларни амалга оширишга киришди. Олиб борилган кенг миқёсли чора-тадбирлар бугун тараққиётнинг «ўзбек модели» нечоғли тўғри ва ҳаётий эканлигини амалда намоён этиб, дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Зотан, бу модел давлат ва жамият ҳаётини тарихан шаклланган миллий ўзига хослик ва илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ислох қилишга йўналтирилган бўлиб, тарихий қадриятлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳанинг мавжуд ҳолати ҳамда анъаналар, турмуш тарзи асосида демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилган. Маҳалла асрлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистонда маҳалла «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» бош тамойилини рўёбга чиқариш, инсон манфаатлариг йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда муҳим омилга айланди. Истиқлолнинг илк йилларидан маҳаллани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослар сифатидаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларни қабул қилишдан бошланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва уларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилиш

борасидаги мустақил фаолияти мамлакатимиз Конституцияси билан кафолатланган. Бу ҳуқуқ шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари орқали рўёбга чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни бажариб келаётир. Хусусан, маҳалла ёшлар орасида тарбиявий ишларни муваффақиятли олиб бормоқда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, қонунийликни таъминлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳудуднинг долзарб масалаларини ҳал қиляпти. Шу билан бирга, маҳалла муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этаётир. Бугун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокисиз ҳал қилишни тасаввур этиш қийин.

Ўтган йилнинг апрел ойида давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил ноябр ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида, давр талабларидан келиб чиқиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар янги тахрирда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қонунчилик ташаббусининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида ўтган йили охирида

такомиллаштирилган янги нормалар асосида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда фаоллигини кўрсатиб, ўз оиласи, маҳалласи учун ўз масъулиятини, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлигини намойиш этди. Маҳалла аҳолисининг ўзи томонидан ташкил қилинган ҳамда ўтказилган сайловлар бунинг яққол тасдиғи бўлди .

2013-йил ноябр-декабрда янги сайланган раисларнинг 56,1 фоизи олий маълумотга эга. 1310 нафар (13,4 фоизи) аёл раисликка сайланди. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2006 йилда бу кўрсаткич 9,9 фоизни, 2008 йилда 11,5 фоизни, 2011 йилда эса 12,7 фоизни ташкил этган эди. Эътиборли жихати, айрим ҳудудларда сайланган раислар орасида хотин-қизлар улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичлардан ҳам юқорини ташкил қилди. Бу жамиятда аёллар фаоллиги изчил юксалиб бораётганидан далолатдир. Шу билан бир қаторда, раислар таркиби 46,6 фоизга янгиланди.

Шунингдек, 99618 нафар фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари сайланди. Уларнинг 44,6 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 30,8 фоизини аёллар ташкил қилади. Жамоатчилик вакилларининг сайлов жараёнларида кенг иштирок этиши ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг ошкоралиги, муқобиллиги ҳамда тенг сайлов ҳуқуқини таъминлади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, 2013 йилнинг ноябр-декабр ойларида бўлиб ўтган сайловлар янги шарт-шароитларда ўтказилди ва бу яратилган қонунчилик асослари мустаҳкамлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси фуқароларга ташаббускорлик кўрсатишга, ягона мақсад атрофида жипслашишга ҳамда янада ривожланиш йўлида тўғри қадамни танлашга имконият яратди.

Фикримизнинг тасдиғини қуйидаги **Андижон вилоятида** эришилган ютуғлар мисолида кўриб чиқамиз:

Вилоятда 968 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, улардан 6 таси шаҳарча, 94 таси қишлоқ ва 868 таси маҳалла

фуқаролар йиғинидир. 2013-йил ноябр-декабр сайловларда вилоят бўйича 1 миллион 820 минг 76 нафар овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 55 минг 641 нафар вакили қатнашди. Ишчи гуруҳлари томонидан фуқаролар йиғини раислигига 5 минг 26 нафар номзод (ўртача бир ўринга 5,2 нафар), маслаҳатчи вазифасига эса 22 мингдан зиёд номзод кўрсатилди. Сайловларнинг 804 таси (83 фоизи) очик овоз бериш йўли билан ўтказилган бўлса, 164 таси (17 фоизи)да яширин овоз бериш йўли танланди. Фуқаролар йиғини раисларининг 511 нафари (53 фоизи) илк марта сайланганлардир. Шунингдек, уларнинг 220 нафарини ёки 23 фоизини аёллар ташкил этади. Маҳалла етакчиларининг 442 нафари (46 фоизи) олий, 471 нафари (49 фоизи) ўрта махсус ва 55 нафари (5 фоизи) ўрта маълумотга эга фуқаролардир. Раислар орасида 40 ёшгача бўлганлари 70 нафарни (7 фоиз), 40-50 ёшлилар 267 нафар (28 фоиз)ни, 50-60 ёшлилар 498 нафар(51 фоиз)ни ва 60 ёшдан юқори бўлганлари эса 133 нафар(13 фоиз)ни ташкил этади. Раисларнинг 223 нафари (23 фоизи) иқтисодчи, 15 нафари (1,5 фоизи) ҳуқуқшунос, 178 нафари (18,3 фоизи) ўқитувчи, 57 нафари (5,8 фоизи) мухандис, 75 нафари (7,7 фоизи) агроном ва 420 нафари (43.7% фоизи) бошқа касб эгаларидир.

Бу йилги сайловларда халқ янгича фикрлайдиган, билимли ва интилувчан номзодларга овоз берди. Илгари маҳалла раиси деганда кўпчилик нуроний, ёши 60 дан ошган кишини тушунарди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли бугун бундай қарашлар тамомила ўзгарди. Сайланганларнинг қарийб 86 %и 35-60 ёшлилар экани эътиборга молик. Бу жараёнда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, фуқаролар йиғини раислигига 36 нафар ташаббускор, ишбилармон ва салоҳиятли аёллар сайлангани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органлар, хусусан, кўмаклашувчи комиссия, ишчи гуруҳлар, уларнинг аъзолари ва ўтказишдаги тартиблар бўйича янги талаблар қўшилгани

сайловларнинг тизимли, ҳар томонлама демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлади.

Дарвоқе, халқ ишончига сазовор бўлган маҳалла фаоллари учун 2,5 йил муддат ҳудудни янада раванқ топтириш, инфратузилмани ривожлантириш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдек масълиятли ва шарафли вазифаларни адо этиш учун қулай фурсатдир.

Ушбу сиёсий жараёнларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги таъсири тобора ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, ҳаёт тажрибасига, ташаббускорлик ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга, аҳолини ягона мақсад Ватан тақдирига дахлдорлик ҳамда истиқлол ғоясига садоқат руҳи билан яшаш сари жипслаштира оладиган номзодлар қўллаб-қувватланди.

Янги тахрирдаги қонунда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органлар, хусусан, кўмаклашувчи комиссия, ишчи гуруҳлар, уларнинг аъзолари ва ўтказишдаги тартиблар бўйича янги талаблар акс этгани сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказишга хизмат қилаётир.

Фуқаролар йиғини ишини ташкил этиш, олдинда турган вазифаларни аниқ бажариш бевосита раҳбарнинг салоҳиятига боғлиқ. Бинобарин, оқсоқоллар таркибини янгича фикрлайдиган, олий маълумотли кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олдинги сайловдан буён ўтган даврда амалга оширилган ишлар натижалари ҳам кадрларнинг сифат таркибига жиддий эътибор беришни тақозо этаётир. Шунинг учун фуқаролар йиғинларида тузилган ишчи гуруҳлар номзодларни ҳар томонлама чуқур ва ҳолисона ўрганиб чиқмоқда. Оқсоқоллар сайловида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг ҳар бир номзод ҳақидаги таклифни инобатга олишга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнининг энг муҳим жихати бўлган аҳолининг хабардорлигини, тадбирларнинг ошкоралигини таъминлаш масаласи ҳам кўмаклашувчи комиссиялар эътиборидаги асосий вазифадир. Бу борада тарғибот- тушунтириш ишлари самарали ташкил этилди.

Мамлакатимизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тобора кенг ваколатлар берилмоқда. Шундай экан, бу органларга ҳар томонлама етук, билимли, ташаббускор, айтилиши вақтда ҳаётий тажрибага эга обрў - эътиборли кадрлар раҳбарлик қилиши зарур. Кимнинг сайланиши шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг хоҳиш-иродаси билан амалга ошади. Сайловларни ўтказишда қонунийлик, адолат ва холислик тамойиллари энг муҳим омил бўлади.

Мазкур сайловларда иштирок этар эканмиз, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар кўрсатишда нималарга аҳамият бериш керак, кимлар бу лавозимга номзод бўлиши мумкин, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бизнингча, бу масалага ёндашишда, авваламбор, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчиси мақомининг қанчалик масъулиятли лавозим ҳамда уни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий субъектларидан бири эканлигидан келиб чиқиш лозим.

Чунончи, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ҳамда раис маслаҳатчиларини маҳаллий аҳоли катта ишонч билдириб сайлайди ва бу орқали муайян маънода ўз маҳалласи тақдирини унга ишониб топширади. Бошқача айтганда, маҳалла ривож, кўп жихатдан оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари ким бўлишига боғлиқ. Бундай юксак ва шарафли ном эгаси ўзининг намунавий хулқ-атвори, ижтимоий фаоллиги, интизоми, масъулиятлилиги, жамиятдаги обрў-эътибори билан ажралиб туриши лозим.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари лавозимида ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳалол, билимдон, тажрибали ҳамда аҳоли ўртасида муайян даражада ҳурмат ва эътиборга эга бўлган шахслар

сайланиши муҳимдир. Номзодлар сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ масалаларини яхши билиши, янгича фикрловчи кишилар бўлмоғи даркор. Ушбу лавозимларга фақат ёши катта кишилар эмас, балки ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшлар ҳам номзод қилиб кўрсатилиши мумкин.

Шу билан бирга, номзодларни танлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги иштирокига ва кўрсатган хизматига, республикамиз ҳамда жойларда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етарлича англаб етишига, ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя эта олиш, уларнинг дардини, фикрини тинглай билиш лаёқатига эга бўлишига, миллий қадриятларни, анъаналарни тушунишига ва унга амал қилишига, юриш-туриши, ахлоқи, билими, оилавий тотувлиги жиҳатидан бошқаларга ўрнак бўла олишига эътибор берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда унинг таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

2013 йилнинг ўтган 9 ойи давомида маҳалла жамғарма фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 600 дан ортиқ кам таъминланган оилага қорамол олиб берилди. 7 мингдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига 650 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

2015 йил сўнгига келиб янги иш ўринларини яратиш бўйича олиб борилган ишларни тадқиқ қилинганда янги яратилган иш ўринларини қариб 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли ҳисобига тўғри келади.

Биринчи бобга яқуний хулоса.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида ўзини ўзи бошқариш органларининг, қишлоқларнинг тараққий топиши қишлоқларда, қишлоқлар ва

маҳаллаларда юртимиз янада обод ва фаровон бўлишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асосларини шакллантириш йўллари илмий тадқиқ этиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги давр талабига айланди. Бизнинг фикримизча, эркин ва фаровон ҳаёт манбаи бўлган фуқаролик жамиятини барпо этишда жамият сиёсий тизими барча бўғинларининг, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни бекиёсдир.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдек ўта мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал этишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Умуман олганда, инсоният объектив тараққиётининг келажаги, жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришнинг энг самарали ҳамда ҳаммабоп тизими бўлган фуқаролик жамияти назарияси ва амалиётини атрофлича тадқиқ этиш мутахассисларнинг диққат марказида турган катта муаммоларидан бири сифатида қолади. Биз танлаган мавзу ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва уни ривожлантиришда катта рол ўйнайдиган ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифаларни тадқиқ этиш муаммосига бағишланган. Фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур бўлган иқтисодий сиёсий маънавий шарт-шароитларни яратиш ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини белгилаш, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви ва ривожланиш йўллари аниқлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг энг маъқул ва самарали фаолият доирасини аниқлаш каби муаммоларни илмий тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

ПБОБ. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯРАТИШНИНГ ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ.

II.1 Баркамол шахсни тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институтининг ҳуқуқий ваколатлари ва уларни амалга ошириш

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан 2016-йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Жорий йилнинг 19-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталга йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, “Соғлом она – соғлом бола” дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг

бирламчи бўғинлари, Шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. “Она ва бола йилининг” дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000-йилдан буён 1,8-марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. “Саве тхе чилдрен” халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Юқоридаги фикримизни далили сифатида Жалақудук туманида жойлашган МФЙ-ларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни шакллантириш юзасидан амалга оширилган тадбирларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, қизларни балоғат ёшига етмасдан турмушга беришни олдини олиш бўйича 9 январ куни Ёрқишлоқ МФЙда 88 нафар, Тошховуз МФЙда 71 нафар, ёшлар ва оналар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилди ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириб ўтилди. Натижада 2016 йилнинг биринчи чорагида ушбу МФЙларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари кузатилмади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12-йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004-йилдан буён умумтаълим мактабларини куриш, моддий-

техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009-йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

“Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди.

2005-2012 йиллар давомида жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийиб 4 минг нафар бола 333 та ҳалқаро спорт тадбирлари ва фестивалларида иштирок этган бўлса, мана шу спортчиларнинг 2400 нафари қишлоқ жойларда яшовчи ўғил қизларга тўғри келади.²⁶

Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 2 трлн. сўмдан ортиқ, ҳамда 100 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никохдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

²⁶ . Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш- ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, “Ўқутувчи”, 2013 йил 86 - бет

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги ПҚ – 1920-сонли қарори билан тасдиқланган “Обод турмуш йили Давлат дастури доирасида 2013 йилнинг 11 ойи давомида Республика тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан Республикада жами 982 та қишлоқ, 2475 та маҳалласида 38378 та оиланинг ижтимоий шароити улардаги психолог муҳит ва бола соғлиғи ўрганилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва

меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзгор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

2016-йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (ИВ даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали

воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик ваксинатсия қилиш кўлами кенгайтирилади. Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида ёд моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган. “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу, жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мултимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020-йилгача ушбу тармоққа уланиши мамлакатимизда

ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017-йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади. Наманган вилоятида ўтадиган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, “Она юрт наволари” халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, “Энг ёш ихтирочи” танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз. “Соғлом бола йили” Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

II.2 Маҳалла фуқароларини интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ Президент Ислон Каримов ёшларни Ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, куч-ғайрати ва салоҳиятини бунёдкорлик ишларига йўналтириш, баркамол инсон бўлиб камолга етишишлари учун шарт-шароитлар яратиш йўлини тутди.

Агар биз мустақиллик йилларида ёшларимизнинг етук инсон бўлиб етишиши учун амалга оширилган ишларга назар солсак, асрларга тенг бунёдкорлик фаолияти кўз олдимизда гавдаланади. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», 42-моддада эса «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлига, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади»²⁷ каби қоида ва тамойилларнинг белгилаб қўйилиши натижасида ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унинг 1-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қуйидагича ифодаланади: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва қамол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир». Қонун давлатнинг мамлакатдаги ёшларни Ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлашини, илм олишини, ўз салоҳиятини ўстиришни ҳимоясига олади. Шу билан бирга, қонуннинг мазкур моддасида ёшларни демократик қадриятлар руҳида шаклланишининг муҳим ҳуқуқий асослари мужассамлашган. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқлари билан улар бурчларининг бажарилиши ва амалиётининг ўрнатилиши ўз ифодасини

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституция – Т.: Ўзбекистон 2012.-9-10-б

топган. Шунингдек, 5-моддада «ёшлар номидан уларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари» эканлигининг тан олинishi ёшлар ташкилотларининг нафакат жамиятда, балки давлат органлари билан бўлган муносабатлари ва алоқаларида ўзаро тенглик принципларига амал қилишини таъминлаб бериши мумкин бўлган қоидадир.

“Ёшлар ташкилотларини тузишда қонуннинг 19-моддаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда республикада фаолият юритиши мумкин бўлган жамоат бирлашмаларининг асосий мақсадлари ва уларни эътироф этиш принципи ифодаланди. Шунингдек, аҳолининг 30 ёшгача бўлган қисмини ёшлар қаторига қўшишнинг аниқ кўрсаткичи ўрнатилди. 19-моддада тузилажак ташкилотларнинг асосий мақсади этиб республика ёшларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини. ҳаётда амалга ошириш, шунингдек, уларнинг ўз фаолиятларини ўзлари ташкил этиши ва фаоллигини оширишини ривожлантиришдир, деб белгиланди. Албатта, бу модда кейинчалик мамлакатда ўнлаб ёшлар ташкилотлари ва уларнинг бўлимларини очишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.”²⁸

Мустақилликнинг дастлабки даврларида мамлакатда собиқ комсомол ташкилотини ислох қилиш натижасида шаклланган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолият юритмокда эди. Бу ташкилот ўз даврида етакчилик қилишга қанчалик Ҳаракат қилмасин, унинг низоми ва дастурий ҳужжатларидаги олдинги «демократик марказлаштириш» принципларидан мерос бўлиб қолган қоидалар янги демократик жамият мезонлари ва талабларига жавоб бера олмади. Айниқса, ташкилотнинг ёшларни ўз пленуми ва конференциялари қарорларини бажаришга сафарбар қилишга уриниши, қарорларда ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари унчалик яхши ақс этмаганлиги туфайли ҳам у жамиятда илдиз отиб кета олмади.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни/Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси. 1992 йил. 2-сон, 80-модда;

Бу ташкилот ўзининг ташкилий тузилишига биноан ҳам фақат бир гуруҳ ёшларнинг ташкилоти бўлиб қолаверди. Шунингдек, ёшлар иттифоқи ёшларни миллий истиклол мафкураси, миллий мерос ва маънавият руҳида камол топиши масалаларини ҳам ҳал қила олмади. Ташкилот фаолиятида доимо эски комсомол ташкилотларининг иш усуллари, фаолият механизмлари сезилиб турди. Ташкилот кўпинча слётлар, турли тантанали анжуманлар ўтказишга муккасидан кетиб, ёшлар ишлайдиган ва ўқийдиган жамоаларни ўз ҳолига ташлаб қуйган эди. Энг ачинарлиси эса ёшлар иттифоқи ёшларнинг интилишига, маънавий юксалишига кўмак бера оладиган бирон-бир ғоявий ва мафкуравий қарашлар тизимини ҳам ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этолмади. Ташкилот раҳбарларининг аксарияти ҳам комсомол ташкилотларида суяғи қотган ёшлардан иборат эди. Ана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан ёшларнинг янги ташкилотини тузиш Ҳаракати бошланди. 1996 йилнинг 17 апрелида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони асосида янги ёшлар ташкилоти шаклланди. Жамғармага ёш авлоднинг Ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиклол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқулланди. Шунингдек, жамғарманинг ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий гуруҳларини тўла амалга ошира олишлари учун шарт-шароит яратиш, ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифалари белгиланди. Лекин жамғарма ҳам ўзининг низомий мақсадларини бажара олмади. Жамғарма раҳбариятида ҳам сусткашлик қайфиятлари ҳукмрон

бўлиб, «Камолот»га ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолият юритшига мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Ёшлар томонидан таклиф этилган дастурлар эса «жомғармага дастурнинг кераги йўқ», деган жавоб билан рад этилди. Натижада жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади. У ёшлар ўртасида маънавий ва маърифат ишларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажара олмади.

Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар самараси ўларок мамлакатимиз ёшлари ижтимоий жихатдан фаоллаша бошлади. Ёшлар ўртасида уларнинг номидан ва хоши-иродаси асосида иш юритиб, ёшлар манфаатларини Ҳар томонлама ҳимоя қиладиган, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида ҳаракатга келтирадиган ташкилот сафларида бирилашиш истаклари туғилди. ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб ёшлар ташаббуси билан мамлакатдаги ёшлар манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадларини кўзлаган янги ташкилот тузиш бўйича ташаббус гуруҳи ташкил этилди. Ҳаракат ташаббускорлари биринчидан, ташкилий жараёнда ёшлар ўз салоҳиятини, табиий соғлом интилишларини рўёбга чиқаришида ташкилот қандай реал имкониятлар яратиб бера олишини, иккинчидан, ёшлар истиқлол ғояларига содиқ маслакдошлар бўлишлари учун нималар қилиш лозимлигини, учинчидан, табиий туғма етакчилик хусусиятига эга ташаббускор, билимдон, замонавий тафаккурга, яъни ўз тенгдошларини ўз ғояларига ишонтириб, уларни ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи сардорларни топиш ва жой-жойига қўйишни, тўртинчидан, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириб, янги иш ўринлари топиб, ҳаётдан ўз ўринларини топишларига кўмак беришни, ижтимоий кўллаб-қувватлашни, ёт мафкуралардан, диний ақидапарастлик ва террорчилик, гиёҳвандликдан ҳимоя лашда инобатга олинди.

Президентимиз 2001 йил 24 январь куни Оқсаройда янги ташкилотни ташкил этиш бўйича Ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашди. Ёшлар масалаларига бағишлаб ушбу йиғилишда ёшлар тарбиясига оид вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу йиғилишда «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзусида нутқ сўзлади ва у ёшлар Ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. 2001 йил 25 апрель куни Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида жойларда ёшлар томонидан сайланган 600 нафар делегат иштирок этди. Таъсис қурултойида ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ҳаракат Дастурида ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари батафсил ёритилган бўлиб, у ташкилотнинг ёшлар тарбияси борасида сиёсий-ҳукукий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, халқаро фаолият соҳаларида амалга оширадиган асосий йўналишлари белгиланган бешта бобдан иборат эди. Ҳаракат Низоми ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш бўйича асосий қоидалар белгиланган ўн бир боб, ўттиз саккизта бандни ўз ичига олганди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, Ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат қуришга доир ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, Ҳар томонлама баркамол миллий кадрларгина улкан ҳисса қўша олишини назарда тутиб,

Ватанга фидокорона хизмат киладиган, садокатли, унинг буюк ва кудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қобил, истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоклари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил, 7 январда «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул килинди. Лекин мазкур жамғарма давлат ташкилоти сифатида фаолият юритиши назарда тутилди. «Умид» жамғармаси бошқа жамғармалардан фарқли ўлароқ, аниқ битта фаолият — энг иқтидорли талабаларнинг чет элларда тахсил олишни давом эттиришларини таъминлаш билан шуғулланади. Унинг йўлланмаси билан минглаб ўзбек йигит-қизлари дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония сингари мамлакатларининг нуфузли илм даргоҳларида билим олдилар.

Мустақиллик йилларида бундай нодавлат тузилмалари тармоғи кенгайиб борди «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатидан ташкари яна «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», Улуғбек жамғармаси, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил топди. «Истеъдод» жамғармасида ҳам минглаб ёшлар ўз илмий ва касбий салоҳиятларини юксалтирдилар. Юртимизда 20 дан ортиқ давлат рўйхатидан ўтган болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкилоти фаолият юритмокда. Вилоят, туман, шаҳар, ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа меҳнат жамоаларида минглаб бошланғич ташкилотлар ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга доир дастурий мақсадларни амалга ошириш амалиётида фаол иштирок этмокда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» хомийлигида минглаб ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти юксалиб бормокдд, ҳар йили анъанавий тарзда «Келажак овози» республика ёшлар танловининг ўзиёк энг иқтидорли ёшлар ўз илмий салоҳиятларини янада ривожлантириши учун йўлланма бермокда, Ҳар йили янгидан-янги номлар кашф килинмокда. Улар, шубҳасиз, мамлакатнинг истиқболдаги

ривожланиш даври учун юксак ҳисса олишга қобил бўлган асосий интеллектуал салоҳият соҳибларидир. Бугун ёш авлодга бўлган муносабат, уларга нисбатан олиб борилаётган соғлом сиёсат том маънода келажаги буюк давлат бўлган юртимизнинг тамал тошларидир. Ислохотларнинг дастлабки боскичида давлатнинг ўзи бош ислохотчи сифатида ёшларнинг жамоатчилик ташкилотларини тузишда ташаббус кўрсатди. Яна шу нарса аён бўлмоқдаки, ёшлар онги ва тафаккури ўзгариб боргани сайин улар ўзларининг талабларига жавоб берадиган, ўзлари учун зарур бўлган ташкилотларни мустакил ҳолда тузиш кўникмаларини эгалламоқда. Давлат ёрдамини кутиш ёки боқимандаликка берилмасдан ташкилотнинг моддий-техник ахволини яхшилаш йўллари қидириб топмоқда. Демократик жамиятнинг асосий хусусиятларини қарор топтиришда ёшлар фаоллик кўрсатаётганлиги ижобий бир ҳолдир.

Ёшлар ташкилотларининг фаолият турига назар солар эканмиз, уларнинг ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш, ижтимоий, иқтисодий ва ҳукукий жихатдан ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, турли касбларга йўналтириш, хорижий тилларни, замонавий технологиялар билан ишлашни ўргатиш, қайта касбий тайёргарликдан ўтказиш, ўз қобилиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, моддий қўллаб-қувватлаш каби қўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, улар ёшлар сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маънавият ва маърифат фаолиятини олиб боровчи ташкилотлар, Ёзувчилар уюшмаси, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла», «Олтин мерос», Амир Темур жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан амалий, узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ёшларни иш билан таъминлашда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсата бошлади. Масалан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг барча қуйи ташкилотлари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Маҳалла» жамғармаси ана шулар жумласидандир.

Хусусан, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси чет эл инвестицияси ва грантлари, янги технологиялари асосида вилоятларда ёш кизларни бизнес билан шуғулланишлари учун турли касбларга ўқитишни ташкил килиб келмокда.

Умуман давлат бугун ёш авлодни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарбиялаш масалаларида уларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятига, ташкилотчилик, ташаббускорлик Ҳаракатларига катта умид боғламокда. Зотан, навқирон авлоднинг самарали, ташаббускор фаолияти мамлакатимизнинг улкан ақлий ва меҳнат захирасига эга бўлган ёшлар салоҳиятини давлатимиз тараққиётини таъминлаш, унинг кудратини мустаҳкамлашга йўналтириш имкониятларини янада кенгайтиради. Хозир бу борадаги муаммони факат ёшлар ташкилотларини фаоллаштириш, уларни ҳукукий ва молиявий жихатлардан мустаҳкамлаш йўли билан ҳал килиш мумкин эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам бундай ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралмокда.

Хозирги даврда ёшларни иқтисодий ва ижтимоий жихатлардан ҳимоя килиш давлатимизнинг Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш принципининг ҳаётда ифодаланишидир. Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадидан келиб чиқиб, келгусида ёшлар ташкилотлари фаолиятлариш Ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги мақсад ва вазифалар «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурда мужассамлашган бўлиб, ундаги йўналишларни амалга ошириш жараёнлари собитқадамлик билан давом этмокда.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари ва Ҳаракатлари мамлакатимизда илғор ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллашда аввало миллий маънавият ва кадриятларимизга муҳим эътибор қаратиб борди.

Юртимизда мустақиллик даврида шаклланган ёшлар ташкилотларининг фаолиятини таҳлил ва тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, улар Президент томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар асосида ривожланди. Мустақиллик йилларида ёшлар ташкилотларининг уч гуруҳи шаклланди. Биринчиси, ёшлар қатламлари ва гуруҳлар ига мос бўлган ижтимоий аҳамиятга молик йирик ташкилотлар. Бундай гуруҳ вакиллари асосий мақсад ва вазифалари бўлиши билан бирга фаолиятларини кенг кўламда ташкил этган ҳолда, ёшларнинг барча масалаларини қамраб олишга интилади. «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, Талабалар жамғармаси, Болалар жамғармаси кабилар шулар жумласидандир. Иккинчиси, ёшларнинг алоҳида қизиқиш ва манфаатларига хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя мақсадида турли муассислар томонидан ташкил этилган марказлар, клублар, маслаҳат хоналар ва бошқалар. «Ёш олимлар» ассоциацияси, иқтисодий таълим беришга асосланган «Ёшлар ютуқлари», имконияти чекланган болаларни кўллаб-қувватловчи «Умидворлик», оила маданиятини ривожлантиришга оид «Баркамоллик» марказлари, «Аёл ва ёшлар ахборот маслаҳат хоналари» шулар қаторига киради. Учинчиси, сиёсий тизимда ўзига хос бўлган янги ҳодиса — турли партиялар таркибида ёшларни ўз сафларига кўпроқ жалб қилиш, мустаҳкам, салоҳиятли ва ишончли резервини шакллантириш мақсадида пайдо бўлаётган сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари, ёш раҳбарлар клублари ва бошқа Ҳаракат ҳамда ташкилотларда мавжуд ёшлар билан ишлашга қаратилган ҳар хил тузилмаларни мисол килиб келтириш мумкин.

Мустақиллик йиллари ёшлар ташкилотларини тузиш учун амалга оширилган ишлар, изланишлар даврини ташкил этди. Давлатнинг ўзи бош ислохотчи сифатида доимо ғамхўрлик килиб келди, ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширди. Мамлакат аҳолисининг деярли 64 фоизини ташкил этаётган жамият ёшлар ижтимоий қатламининг барча жиҳатларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаоллигини ва

интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга доир барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатда Президент ташаббуси, ҳукуматнинг кўллаб-қувватлаши, ёшларнинг интилишлари самараси ўларок. уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга йўғрилган демократик ташкилотлар ва Ҳаракатлар шаклланди. Ўз ўрнида давлатимиз ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир яратувчилик ишларида ёшларга катта умид билан қарамоқда. Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг ташкил топиши ва унинг давлат томонидан катта маблағлар ҳамда бошқа ресурслар билан таъминланиши қисқа муддатларда ўз самарасини бера бошлади. Янги асрнинг бошларига келиб мамлакатимизда ёшлар ташкилотларини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш мақсадида улар фаолиятларини кенгайтиришни ижтимоий жихатдан қафолатлаш, уларни эркинлаштириш асосида мустақил ташкилотлар сифатида фаолият юритишларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

II бобга якуний хулоса.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришда янги босқичга қадам қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам омил бўлиши муқаррар. Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин. Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилигига муносиб шахсларни танлаш — масъулиятли иш. Мазкур лавозимларга кўрсатилган номзодлар ичидан муносиб шахсларни сайлаш эса кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самараси ҳамда халқ фаровонлигининг асоси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Ўзбекистонда ҳам бошқа демократик давлатлар каби фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-сиёсий функциялари эътиборга олиниб, уларнинг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки, алоҳида эътироф этилди .

ШБОВ. МАХАЛЛА – ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ДИНИНГ ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МУҲИМ МАСКАНИ.

III.1 Диний экстремизм мафкурасининг ёшларни ўз таъсирига олишга урининшнинг сабаблари ва мақсадлари

Мафкура ёшлар тарбиясида жуда катта ўрин тутди. Мафкуравий тарбия миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ёшлар онги ва қалбига сингдириб бориш жараёнидир. Унинг моҳияти ва мазмуни, мамлакатимизда вояга етган ҳар бир ёшни она Ватанга садоқат, она тилига муҳаббат руҳида, ота-онаси, оиласи ва миллий қадриятларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш каби юксак даражадаги маънавий асослардан иборатдир.

“Таълим-тарбия муассасаларининг барча бўғинларида ёшларга мафкуравий тарбия беришдан асосий мақсад, миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси бўлмиш - мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир”²⁹

Ёшларни ғоявий тарбиялаш. Соғлом ғоялар тарбияси юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Дунёқараш - тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни жамиятда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни, танлаган йўли - касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайкал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсулидир.

²⁹ Миллий истиқлол ғояси. асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001 йил. 120 бет.

Ёшлик, ўспиринлик даври дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустахкамланиши учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки, агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулайдир. Шу боис мафкуравий таъсирлар бевосита ёшлар аудиториясига, уларнинг қалби ва онгига қаратилган бўлади.

Ҳоявий тарбия аввало, оила ва маҳалладан бошланади. Унда ҳоявий тарбия мезонларидан бири бўлган масъулият туйғуси шаклланади. Масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти маҳсулини тўлиқ, тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Шахсий масъулиятни фуқаролик масъулиятдан фарқлаш лозим. Биринчиси - шахснинг кундалик фаолиятидан келадиган шахсий манфаатни назарда тутса, иккинчиси жамият манфаатларини назарда тутди. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган инсон энг аввало ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргоҳи, ўз маҳалласи ва юрти раънақини ўйлайди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун ягона мақсад Ватан раънақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, демак, ҳар бир инсон фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу ҳояларни амалга оширишда деб билиши даркор.

Охириги йилларда ғарбда кенг тарқалган назарияга кўра, одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки тоифага бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули деб фақат ўзларини тасаввур қилади. (“Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, Шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман”). Иккинчи гуруҳ барча воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар, ота-она,

ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар, қўни-қўшни ва бошқалар деб ҳисоблайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи шаклдаги масъулият кўпроқ ўсмирларга хос экан, уларнинг деярли 84 фоизини масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил экан. Америкалик олим Дж. Роттер ана шу асосда «Назорат локуси» тушунчасини илмий асослаб берган. Унинг киритган фикрича, масъулиятни ўз зиммасига олишга ўрганган болаларда ҳавотирлик, нейротизм, асабийлашув, жаҳолат каби салбий сифатлар кам учрар экан. Улар ҳар кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан кўп нарсани ўз қарашлари асосида ҳал этар экан.

Демак, масъулиятни ҳис қилган болалар ҳаётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлади. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари ҳам юксак бўлади. Шунинг учун ҳам мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда она Ватан олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Эътиқод - психологик ҳамда ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, одамнинг муайян қараш, таълимот, назария, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойиллариини эмоционал-ҳиссий қабул қилиш жараёнида шаклланган собит фикр ва тасаввурлар мажмуидир. Ёки бошқача айтганда, эътиқод маълум қадриятлар, диний ёки дунёвий масалалар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаймиз. Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг эътиқоди билан белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат битта нарсага эътиқод қилади. Масалан, франциялик машхур сайёҳ Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма кўрган. Бир қарашда у бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини

кашф этишга бағишлагандек туюлади. Денгиздан жуда узоқда яшайдиган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва ишлари кераксиз бир нарсаси туюлади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун ҳурмат қилади. Демак, эътиқодсизликдан кўрқиш керак, агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафақат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам аввало фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доим лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиламан, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишни охирига етказди. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганлигини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётини шиориға айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод, шахсдаги журъат, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

Буюк файласуф Сукрот: “Оламдаги барча адашувлар сабабчиси билимсизликдир”³⁰, - деганида минг бор ҳақ эди. Аҳолига илм зиёсини бериш, ёшларни билим бериш билан банд этиш зарур. Зероки, жаҳолатга қарши маърифат билан, ғояга қарши ғоя билан курашиш, курашнинг самарали шакл ва

³⁰ Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф. Т., Шарқ 2008.

воситаларидан фойдаланиш, бу ишларни ҳам оммавий тарзда, ҳам индивидуал тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чунки ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солих хулқ соҳиби бўлиш, бутун инсоният меҳр-муҳаббати билан қараш, жамиятдаги хулқ меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш ҳам иймондандир. Агар бола ёшлиқдан гўзал хулқларни эгаллашга интилиб яшаса, мусулмончилик одатлари, хушхулқлилик тамойилларини ўзлаштириб боришга рухан тайёр бўлса, уни иймонли бўлиб тарбия топаяпти, дейиш мумкин.

Соғлом дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шаклланиши учун маълум муҳит ҳам зарур Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш, буюк аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, бой илмий-адабий меросни ўрганиш, халқ маънавиятини юксалтириш миллий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ижтимоий ва сиёсий институтлар - давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантирди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг буюк келажак бунёдкори бўлиб вояга етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

б) соғлом ғоялар. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, халқ томонидан эътироф этилган илғор ғоялар бугунги кунда Шундай фаол қучга айланганки, улар ёшларнинг психологик ва ижтимоий эҳтиёжларига тўла жавоб беради. Зеро, Ватаннинг равнақи, юртнинг тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, комил

инсон тарбияси учун яратилган шароитлар, айнан келажагимиз бўлган ёшларнинг манфаати учун хизмат қилади.

в)сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсишида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар ўз фаолияти билан фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига асосланган демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалга ошишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чинакам демократик фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг ҳуқуқий онги юксак, билими етарли бўлиши, лекин унга ҳуқуқий маданият етишмаслиги, у фуқаро сифатида ўз халқи ва Ватани олдидаги бурч ва масъулиятини теран англамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам фуқаролар, айниқса, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мафкуравий тарбиянинг муҳим шартидир.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омиллари қуйидагилардир:

1. Ҳуқуқий маданиятга оид оммабоп адабиётлар;
2. Таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятга оид махсус ўқув курслари;
3. Ижтимоий мулоқотнинг ҳуқуқий тамойиллари мавзуга оид тадбирлар, мустақилликнинг инсон манфаатларига қаратилган ҳуқуқий асосларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этиш ва бошқалар.

Илғор ғояларни амалга оширишнинг яна бир муҳим шarti уларни ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг билим савияси, маълумотлилиқ даражасидир. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва «Таълим тўғрисидаги» қонун ёшларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган тарихий хужжатлардир, улар ҳар бир ёшнинг билим даражасини ошириши, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшликдан китобга, билимга меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор бўлса, у соғлом ғояни зарарли ғоядан, дунёвийликни даҳрийликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди.

Ғоявий соғломлик ҳар қандай ғайри табиий фикрларга муносиб жавоб беришни ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади.

Ёшларимизнинг маънавий оламида маънавий бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш лозим бўлади. Бунда ёшларни “оммавий маданият” кўринишидаги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда доимо сергак, ва ҳушёр бўлиб яшашимиз ва ёшларни “оммавий маданият” кўринишидаги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда турли хил профилактика тадбирларини ўтказишимиз керак, шунда ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланади. Мафкуравий иммунитет шакланган ёшларда ёт ва зарарли ғоя ва мафкураларга қарши кураш маҳорати шакланган бўлади. Демак, ёшларни турли хилдаги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда биз кўпроқ профилактика тадбирларини жамиятнинг барча қатлам ва жавҳаларида ўтказсак мақсадга мувофиқ бўлади.

“Барчамиз аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жон куярлик ,юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.”³¹.

Глобаллашув, яъни ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш устувор вазифага айланмоқда. Маҳаллаларда глобаллашув жараёнига ахборот-психологик таъсир ўтказиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот технологияларининг ёшлар

³¹ И. А. Каримов. “Юксак маънавият- енгилмас куч,. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.й .116 бет.

дунёқарашига таъсири, миллий ахборот тизими ва ресурсларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ёш авлодни ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича Республика Маънавият тарғибот маркази олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилиб, ёшларнинг ахборот соҳасидаги фикрини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, шунингдек, йигит-қизларнинг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлашга доир илмий асосларни яратиш масалаларига илмий ёндашиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларнинг узвий давоми сифатида қуйидаги мақсадларга эътиборни қаратилмоқда:

- педагогларнинг таълим жараёнида янги ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни жорий қилиш борасидаги ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- болалар ижодини қўллаб-қувватлаш;

- педогоглар томонидан ишлаб чиқилган, ўсиб-улғаяётган ёш авлодни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги янги технологиялар бўйича ахборот базасини яратиш;

- ҳар томонлама тараққий этган ва аждодларимизга муносиб ёш авлодни тарбиялаш бўйича ёш оилаларга ёрдам бериш;

- мактаб ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзига эътибор қаратиш кабилардан иборат.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда қуйдагича фикрга келдик:

- ёш авлодни юксак маънавиятли баркамол шахс этиб тарбиялашда жойларда фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида маҳалла тарихига оид ҳамда маҳалла ўрамида яшаган ҳалқимиз орасида юксак обрў- эътиборга эга бўлган кишиларни ҳаёт йўлига бағишланган экспонатлар билан жиҳозланган қишлоқ музейларини ташкил этиш,

- ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида бадий адабиётлар кутубхонаси, мавжуд интернет кулбларида назоратни амалга ошириш учун малакали педагогларни жалб этиш,

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу ҳақда “Биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан кадам қўйган бўламиз”, деб таъкидлайди.

Глобаллашув жараёнлари авж олган бугунги даврда миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшларимизни эл-юртимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти янада ошмоқда.

Халқимизнинг “маҳалла – ҳам ота, ҳам она”, “Бир болага етти кўшни ота-она” деган мақоллари замирида теран маъно мужассам. Ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш маҳаллаларимиз фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Зеро, ўзаро меҳр-оқибатли, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар айнан маҳалла муҳитида ёшлар онги, дунё қарашига сингади. Шундай қадриятлар руҳида улғайган инсон эзгуликка, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига қодир бўлади.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси, “оммавий маданият” хатарларидан асраш каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон “Маҳалла” жамғармаси томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу асосда жойларда

учрашув, семинар, давра суҳбатлари ҳамда турли шаклдаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ёшларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш масалалари ҳам доимий эътиборда. Йигит-қизларга миллий ҳунармандчиликни ўргатишда “Уста-шогирд” мактабидан фойдаланиш, бу анъанани кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурига биноан ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида ёшларимиз ўзларига мос иш жойларини танламоқда. Йил давомида Андижон вилоятида 1200, Жиззах вилоятида 1154, Наманганда 3720, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 3000 дан ортиқ йигит- қиз ишга жойлаштирилди.

Маҳалла идоралари мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, жорий йилда жисмоний имконияти чекланган уч юздан зиёд талаба уйда қўшимча билим олиш учун жамғарма кўмагида “ЗиёНет” тармоғига уланди. Қирқдан ортиқ ногирон ўқувчига жамғарма томонидан ҳомийлик асосида компютерлар олиб берилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллаларда олиб борилаётган амалий ишлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз бўйича маҳаллаларда 233 спорт майдончаси барпо этилди, қарийб 1400 майдонча таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. маҳаллаларда мунтазам ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги “Футболимиз келажаги” ва “ Маҳалламиз паҳлавонлари” турнирлари ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг соғлом инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳа, маҳалланинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалалардаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Бу борадаги вазифаларнинг

муваффақиятли бажарилиши эртамиз эгаларини ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом инсонлар бўлиб камолга етишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2016-йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Жорий йилнинг 19-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунининч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

III.2 Маҳалла – диний экстремизмга қарши курашишда мафкуравий иммунитетни шакллантириш маскани

Ҳозирда «Ал-қоида» халқаро террористик ташкилоти 60 дан ортиқ, мамлакатларда ўзининг бўлимларига эга. Бу хунрезлик ташкилоти дунёнинг жуда кўп мамлакатларида кўпоровчилик ишларини амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда портлашларни амалга оширган кора ниятли уюшмалар, асосан, диний-экстремистик ҳарактерда бўлган жаҳолат уяларидир. Улар халқаро миқёсда фаолият кўрсатмоқдалар. Ваҳҳобийлик, Мусулмон биродарлари» ташкилоти, «Ҳизбут-тахрир», «Хизбуллох «Ислом озодлик партияси», «Ат-Такфир вал-ҳижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиход», «Туркистон Ислом ҳаракати» каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва ташкилотлар шулар жумласидандир. Уларнинг асл мақсади ислом дини ниқоби остида давлат сиёсий ҳокимиятини эгаллашдан, ислом минтақасини ягона халифалик байроғи остида бирлаштиришдан, ислом

оламини дунёдаги бошқа барча диний эътиқодларга, ижтимоий тўда, демократик таракқиёт йўлига қарши қўйишдан иборат. Бу ташкилотларнинг раҳнамолари ёшлар онгини ва қалбини диний мутаассиблик ғоялари билан захарлаб, уларни ўз халқи, миллати, аجدодлари, ота-онаси эътиқод қилиб келган диний мазҳабга қарши қўймоқдалар. Ўзлари илгари сураётган тажовузкор диний - экстремистик руҳдаги ғоя ва мафкура асосида жамиятни «тубдан янгилаш зарурлиги»ни ёшлар онгига турли усул ва воситалар ёрдамида сингдиришга уринмоқдалар.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни афдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бири-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар, ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни мукаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай ғараз ва қабих ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий во сита ва имкониятларга эга. Улар, ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини захарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, Шу жумладан, "Ҳизбут-тахрир" оқимида кенг тарқалган ҳалифалик қуриш даъватларини ишлатади.

Давлатни бошқариш, унинг хўжалик ва иқтисодиётини тебратиш у ёкда турсин, оддий оиланинг даромад ва буромад ташвишларидан —

ниманинг қаердан ва нима ҳисобидан, қандай меҳнат эвазига келишидан хабардор бўлган ҳар қандай ақли расо одам бундай ғояларнинг соҳталигини англаши, уларнинг ҳақиқий баҳосини бериши мумкин. Бундай соҳта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз ХХІ асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган, компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазият юзасидан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади.

Ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси китъасида жойлашганидан қатъий назар, бугун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган қонунларга итоат қилмасдан туриб, ўз келажагини куролмайди. Бу ҳақиқатни исботлаб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди-ку! Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона ҳалифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсона, десак, асло хато бўлмайди.

Халифаликлар қачон бўлган? Халифаликлар қайси минтақа ва ҳудудда, қайси даврда ва қайси асрларда бўлгани ва тарихда қолганини ким билмайди? Шундан сўнг неча йил, неча асрлар ўтди?

Савол туғилади: Қандай қилиб минг йиллар олдинги шароитни ХХІ асрга олиб келиш мумкин? Бўларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лакқа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниш қийин эмас¹. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун биз ёш авлодни ҳусусан ёшларини тарбияларни кенг йўлга қўйишимиз керак.

“Ёш авлод, энг аввало, оилада, ўз ота-онаси бағрида тўлақонли тарбия олиши мумкин. Болага яхши тарбия бериш учун унинг ота-онаси ҳам яхши тарбия кўрган бўлиши зарур. Нотинч оилада вояга етган ёки ота-онаси ажрашиб кетган ўсмирларнинг дунёқараши тор, руҳий ҳаста, жоҳил,

кўпол, тошбағир бўлиб ўсиши мумкин. Оиладаги муҳит бола руҳиятида ўзининг таъсирини намоён қилади”³²

Оилада фарзанд тарбияси, кексаларга ёрдам, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга ғамхўрлик қилиш оилавий анъаналарни, миллий қадриятларни сақлаш ва маънавий муносабатларни юксалтириб бориш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-руҳий муносабатлар мужассамлашгандир.

Ўзбекистон кўп асрлик анъаналарга нихоятда бой, ўзига хос маданиятга, маънавиятга эга ўлкадир. Тарихнинг қайси даврини олиб қарамайлик, аجدодларимизнинг диққат-эътибори, аввало, баркамол инсонни тарбиялашга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Зеро, жамиятнинг етуклиги, равнақи ҳар бир инсоннинг ахлоқий-маънавий камолотига боғлиқ. Абу Наср Фаробий ибораси билан айтганда, "Фозил жамият фозил кишилардан ташкил топади ва фозил кишилар тарбия, тахсил туфайли вояга етади".

Президентимиз Ислом Каримов "Буюк тарбиячи" деб атаган тарих маърифат масаласида ҳам сабоқ беради. Замон билан ҳисоблашмаслик, давр талабларига мос одамларни тарбиялаш ишига эътиборсизлик мамлакатни, халқни таназзулга етаклайди. Жумладан, XVI - XVII асрларда дунёнинг энг қудратли салтанатларидан бири бўлган Усманийлар империяси XVIII асрга келиб замон билан ҳисоблашмай қўйгани учун тараққийётдан орқада қолиб заифлашди ва бўлиниб кетиш ҳавфи остида қолди. Фақат тезлик билан кўрилган чора-тадбирлар мамлакатни бу ҳавфдан асради. Бунда асосий эътибор биринчи навбатда таълим-тарбияга қаратилган эди.

Туркистон ўлкасининг XIX аср иккинчи ярмида мустамлакачилар томонидан истило қилинганининг ҳам сабабларидан бири таълимнинг қолоклиги ва жаҳолат эди-ку! Шунинг учун ҳам чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкинлигини ўз

³² И.А. Каримов. "Юксак маънавият- енгилмас куч,. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.й .116 бет

вақтида англаган жаид миллатпарварлари ҳам юрт ва халқнинг қайғусида ишни, авваламбор, мактаблар очишдан, маърифат тарқатишдан бошлаган эди.

Маърифатпарварлик бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу ўринда Президент Каримовнинг “Ақл заковатли юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!”³³ - деган сўзлари замирида жуда катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилганлиги аҳамиятлидир. Маҳаллада фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, унга асосланган қонунларга риоя қилган ҳолда, ўзининг намунавий низоми асосида маҳалла жойлашган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб фаолият кўрсатмоғи мақсадга мувофиқдир. Маълумки, ҳар бир воҳа, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳатто ҳар бир маҳалланинг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, буни Ўзбекистоннинг қадимий Фарғона водийси мисолида кўриб чиқамиз.

-Водий аҳолисида диний, миллий қадриятларга содиқлик азалдан мавжуд;

-Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида динга эътиқоди юқори бўлган фуқаролар кўпчилиқни ташкил қилади;

-Фарғона водийси чегара ҳудудда жойлашган;

³³ “И.Каримов. Адолатли жамият сари”. Т., “Ўзбекистон”, 1998 й 35 бет

Халқимизда "Бир яхшининг бир ёмони ҳам бўлади", деган гап бор, Шу ўринда водий аҳолиси ўртасида динга эътиқоди юқори бўлган фуқароларнинг кўплиги ёки ижобий жиҳатларимиздан куйидаги хусусиятли муаммоларнинг келиб чиқаётганлиги таажжубланарли ҳол:

1. Ҳудудда турли носоғлом ғоялар таъсирига тушган фуқаролар сонининг ўсганлиги.

2. Ҳеч қандай оқимлар таъсирига тушмасада, мутаассибликка берилган фуқароларнинг борлиги.

3. Ноқонуний тарзда, шаръий никоҳлар асосида яшайдиган оилаларнинг мавжудлиги

Юқоридаги бандлардан кўриниб турибдики, ҳудуд аҳолисида диний қадриятларга эътиборнинг юқорилиги, учта "хусусиятли муаммолар"нинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. "Хусусиятли муаммолар" дейишимизга сабаб, бу муаммолар водийнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан бўлиб, бошқа вилоятларда учрасада, лекин у даражада кўзга ташланмайди. Шунингдек, хусусиятли муаммоларнинг бу даражада ўсиб кетишига айрим сабаблар ҳам туртки бўлган.

Жамият шиддат билан ривожланиб, глобаллашув жараёнлари туфайли турли маданиятларнинг таъсир доираси кенгайиб бораётир. Айрим таракқий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи, дунёқараши ва қадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бузғунчи фикр ва ғояларни маҳаллаларимизга, фуқароларимиз ҳаётига олиб киришга бўлаётган ҳаракатлари орқали таракқиётимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга салбий таъсир ўтказишга уринаётганликлари кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг 90 фоизи ислом динига эътиқод қилса-да, Ўзбекистон Республикаси демократик тамойиллар асосидаги ҳуқуқий давлат қуришни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб олган. Бизнинг юртимизда анъанавий тарқалган Имом Аъзам мазхаби ва сўфийлик тариқатлари асосларида "Дил ба ёру, даст ба кор" тамойили кенг тарқалганлигининг боиси шундаки, бизнинг аجدодларимиз

мусулмончиликдаги бешта фарз бажарилишининг ўзи жамият ва шахсни тараққиётга олиб келади, деб ўйламаганлиги, балки ҳар доим тараққиёт ва ривожланиш учун нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, балки умумманфаат йўлида ҳар бир инсон баҳоли қудрат ҳаракат қилмоғи зарурлигини тўғри тушуниб етганлигини билдиради. Тоталитар тузум ва коммунистик мафкуранинг жахоншумул инқирозидан сўнг миллий ўзлигини англаш жараёни шиддатли равишда бошланиб кетганлиги, турли миллатчи ва экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлиб, сиёсий жараёнларнинг бош ижрочисига айланишига ҳаракат қилганликлари ҳамда мана шу хусусиятларнинг барча иқтисодий танглик ва халқ хўжалигининг чуқур инқирози даврига тўғри келиши, қисқа муддат мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлганлиги турли ёт фикр ва мафкураларнинг кенг тарқалиши учун қулай вазиятни вужудга келтирди.

90-йилларда собиқ мустабид тузум ўрнида мустақил давлатлар шаклланди. Хукмрон мафкура барҳам топгач, маълум муддат ғоявий-мафкуравий бўшлиқ. (вакуум) ҳолати вужудга келди.

Ғоявий бўшлиқ ўзи нима? Ғоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин хукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг хали шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ушбу ҳудудга ўз таъсир доирасини ўтказишга уринади.

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар хуружи бошланади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар мустаҳкам эътиқод га айланиб улгурмаган пайтда, ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай олмайди.

Ўзбекистондаги мафкура майдонига бегона, халқимиз орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг хужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Диний экстремистик оқим тарафдорлари ўз ғояларини тўғри келган жойга бориб тарқатавермайди. Авваламбор, ҳудуднинг геополитик ҳолати,

у ерда яшайдиган фуқароларнинг миллий ва диний кадриятларга муносабати, руҳияти, ўзига хос нозик тарафлари яхши ўрганилгандан сўнг аста-секинлик билан таҳдид бошланади. Фарғона водийси катта кисмининг чегара ҳудудларга қўшнилиги, аҳоли ўртасида динга эътиқод и юқори бўлган фуқароларнинг кўплиги, водийнинг Андижон вилоятида аҳволининг зичлиги, аҳолиси кўп бўлган минтақанинг ўзига яраша баъзи муаммолари бўлишини ҳисобга олган ҳолда зарарли оқимлар ҳудудга таҳдид ўтказиб айрим фуқаролар онгини, калбини забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Узоқ йиллар давомида "Дин афюнدير" байроғи остида динга қарши олиб борилган сиёсат натижасида алоҳида юзага келган динга бўлган чанқоқлик оқибатида айрим фуқаролар зарарли ғоялар билан диний маърифатни фарқлай олмай қолдилар.

Диний экстремистик оқимлар таъсирига асосан диний билимларнинг моҳиятини тушуниб етмаган, дунёкараши тор, маънавий қашшоқ, ҳуқуқий, сиёсий билимлардан беҳабар бўлган ёшлар тушиб қолганлиги афсусланарлидир. Бу ҳолатини чуқурроқ таҳлил киладиган бўлсак тушунган, билган ҳолда хавойи нафс кўйида кириб қолганлар ҳам йўқ эмас.

Фарғона водийсининг Андижон вилояти Қирғизистоннинг Ўш вилоятига чегарадош. Маълумки, ҳозирги кунда Ўш вилояти аҳолиси орасида "Ваҳобийлик ", "Ҳизбут-таҳрир" каби диний сиёсий оқимларнинг таъсирига тушган фуқаролар сони оўиб бориш хавфи мавжуд. Вилоятда яшовчи кўп фуқароларнинг қўшни Қирғизистонда қариндош уруғлари борлиги, улар ўртасида албатта борди-келди муносабатларининг бўлиши табиий. Шу сабабли водийнинг чегара ҳудудларидаги шаҳар ва туманлар маҳаллалари маслаҳатчилари ўз фаолиятлари давомида ушбу ҳолатларга жиддий эътибор қаратмоғи, доимо огоҳ бўлмоғи лозим.

Маслаҳатчи учун бажарадиган вазифалари орасида энг мураккаброғи норасмий ғоялар таъсирига тушган аёллар ва ёшлар тарбияси билан шуғулланиш. Чунки, заҳарланган онгни, қалбни тозалаш, поклаш осон иш эмас. Дин ниқоби остида зарарли ғоялар фуқаролар онгига

сингдирилганлиги туфайли уларда мафкуравий профилактика ўтказиш учун дини маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчининг ўзи турли диний экстремистик оқимлар ҳақида тўла маълумотга эга бўлиши керак. Шунингдек ҳуқуқий, сиёсий билимларга эга ва диний илмлардан ҳам боҳабар бўлиши зарур. Шифокорларда “Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал”. Деган гаплар бор. Шу нуқтаи назардан онг қалб заҳарланиш касаллигини даволагандан кўра уни олдини олиш фуқаролар айниқса ёшлар ва аёллар ўртасида тарғиб-ташвиқот, тушунтириш ишларини ташкил қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш ўринлидир.

Яна бир "Хусусиятли муаммо", ноқонуний тарзда, шаръий никоҳ асосида яшаётган oilалардир. “Куръони Карим”да эркак кишига тўртта хотин олишга рухсат берилган деган баҳона билан, кейинги пайтда эркакларимиз орасида икки, уч нафар хотинга уйланаётганлар кўпайиб бормокда.

“Ўзбекистон - ҳуқуқий давлат. Мазкур жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаро oilа қуришда никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминламоғи шарт. Шу нуқтаи назардан, ноқонуний тарзда, шаръий никоҳ асосида яшайдиган oilаларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Эри ким, қаерда ишлайди, нима иш билан шуғулланади? Асосий oilаси билан қайси МФЙга қарашли бўлган маҳаллада истиқомат қилади? Маҳалладаги ўрни қандай? Шаръий никоҳ асосида яшаётган хотин аввал қаерда яшаганлиги, иш жойи тўғрисида мониторинг олиб борилиши жоиз”³⁴.

Юқоридаги мавжуд "Хусусиятли муаммолар"нинг асосий "Қаҳрамон"лари эса аксарият ҳолларда аёллар бўлмокда. Мабодо, oilада фарзанд ёки эр норасмий оқим таъсирига тушиб қолса, она узоқни кўра биладиган эсли-хушли, соғлом фикрлайдиган аёл бўлса, эрни, фарзандни

³⁴ Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий, мафкуравий тарғибот ишларини такомиллаштириш учун МФЙларга услубий қўлланма. Андижон. 2006 й.

тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади ва бунинг уддасидан ҳам чиқа олади. Агарда онанинг ўзи носоғлом ғоялар таъсирига тушиб қолса-чи? Онани бу йўлдан ким қайтара олади? Аксинча, у бутун оила аъзоларини, ҳатто қўни-қўшни аёлларни ҳам орқасидан эргаштириб кетиши турган гап. Масаланинг энг нозик жойи шу ерда. Керак бўлса, она оилада на фақат фарзандларига, балки оиланинг бошлиғи ҳисобланган эркакка, маҳаллага, ҳатто жамиятга ўзининг сезиларли таъсирини ўтказа олади. Чунки аёл эркакларни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, эркакка нисбатан бардошлироқ, узоқни кўра биладиган зотдир.

Шу сабабдан бўлса керак, халқимизда "Юрт бешигини соғлом аёл тебратади", деган нақл бор. Бу иборада фақатгина жисмонан соғломлик эмас, балки маънавий соғлом, соғлом фикрлайдиган, соғлом тафаккурга эга аёл назарда тутилмоқда. Чунки, оилада фарзандларни тарбиялашда, аёлнинг, онанинг роли катта. Маънавий соғлом, маърифатли, дунёвий билимларга эга, меҳридарё онагина ўз фарзандларида соғлом фикрни, соғлом тафаккурни шакллантира олиши мумкин.

Хурофот билан диний маърифатнинг фарқига етмайдиган, дунёвий билимлардан узоқ, бўлган она албатта фарзанд тарбиясида салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Маънавий қашшоқ онанинг фарзандлари вояга етганда нафақат оилага, маҳаллага, балки бутун бир жамиятга муаммолар келтириб чиқаради. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг "Оила соғлом экан жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор"⁴⁸, деган ўғитлари аҳамиятлидир.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи маҳаллада яшайдиган оилаларни гуруҳларга ажратиб олгани маъқул. Масалан, зиёли оилалар, хунарманд оилалар, тадбиркорлар, динга мойиллиги юқори бўлган оилалар, норасмий ғоялар таъсирига тушган

⁴⁸ Ислам Каримов Юксак маънавият енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008 й, 58 бет.

оилалар, нотинч оилалар, ноқонуний тарзда яшаётган оилалар. Норасмий ғоялар таъсирига тушган ва динга мойиллиги юқори бўлган оилалар маслаҳатчининг диққат марказида бўлиши лозим. Бундай фуқаролар, айниқса ёшлар билан яқка тартибда шуғулланиш жоиз. Шунингдек, "Оила-мактаб маҳалла" концепцияси асосида иш юритиш фойдадан ҳоли эмас.

Кейинги пайтларда айрим мутаассиб оилалар диний билимлар бериш билан чекланиб, фарзандларини мактабларга юбормаётган ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Ёки баъзи бир ота-оналар болаларини ўқишга юбормай, машина ювиб, арава тортиши, турли ишларни бажариб пул топиб келишга мажбур қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб ёзиб қўйилган. 66-моддасида эса "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"⁴⁹, деб кўрсатилган.

Демак, 18 ёшга қадар ота-она фарзандига сени боқолмайман, кийим-кечак олиб беролмайман, ўқита олмайман, дейишга умуман ҳаққи йўқ. Ота-она фарзандни жуда катта масъулиятни бўйнига олиб дунёга келтиради. Ушбу масъулиятни бола вояга етгунга қадар ҳис қилиши керак, акс ҳолда МФЙ, ҳуқуқ-тарғибот органлари уни эсига солиб қўйиши ўринли. Фарзанд ота-она олдидаги бурчини бажариши учун, авваламбор, ота-она фарзандларини Аллоҳ томонидан берилган бебаҳо омонат деб билиб, уларга меҳр бериши, тарбиялаши, билим олиши ва ҳунар ўрганиши учун шарт-шароит яратиши лозим.

Маҳаллаларда ҳеч қандай носоғлом ғоялар таъсирига тушмаса-да, лекин анчагина мутаассиб, яъни динга мойиллиги юқори бўлган оилалар ҳам мавжуд. Бундай оилалар билан алоҳида шуғулланиш жоиз. Кўп ҳолларда мутаассиб фуқаролар орасида ўзи билмаган ҳолда турли оқимлар

⁴⁹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., "Ўзбекистон" 2009 й., 12-13 бетлар.

таъсирига тушиб қолаётганлар йўқ эмас. Шундай оила ёшлари билан кўпроқ суҳбатда бўлиш, кўнглига йўл топишга ҳаракат қилиш зарур. Кўп ҳолларда мазкур оилаларнинг ёш қизлари орасида ҳижоб кийиб, юзини тўлалигича тўсиб юриш урфга айланмоқда. Юзини нима учун тўсиб юрганини сўрасангиз, ўзлари ҳам аниқ, билишмайди. Фақат ота-оналари айтгани учун юзини беркитаётганини айтишади. Бу эса ташқи кўринишдан, яъни зоҳирий тарафдан ўта тақводорга ўхшагани билан "Куръони Карим"нинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаганидан далолат. Чунки "Куръони Каримда ёш қизларни юзини тўлалигича беркитсин, деган оят йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳижоб кийиб, юзини тўлалигича беркитган ёш қизларни нима сабабдан ўраниб, бурканиб юриш сабабларини ўрганиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шунга кўра бундай ёш қизларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

- Турли дини – сиёсий оқимлар таъсирига тушган ёш қизлар;
- Мутаассибликка ружу қўйган аёлларнинг қизлари;
- Оталари шундай юришга мажбур қилаётган ёш қизлар;
- Ҳижоб кийган, юзини беркитган аёлларга тақлид қилаётган ёш қизлар;
- Азадор (Оиласида ўзига яқинроқ кишиси вафот этган) аёллар;

Маҳалла маслаҳатчиси ўз фаолияти давомида маҳалла имоми билан яқин ҳамкорликни йўлга қўймоғи лозим. Бу ўз ўрнида маслаҳатчига маҳалла имомининг фаолиятини назорат қилиш учун шароит яратади. Маҳаллаларда ташкил қилинадиган тадбирларга маҳалла имомларини (тадбирдан олдин маҳалла маслаҳатчиси имом билан қайси мавзуда нималар ҳақида гапиришини келишиб олади), жалб қилиниши керак.

Ёшлар ўртасида маҳалла имомининг обрўси баланд у маҳаллада норасмий лидер ҳисобланади. Маҳалла ёшлари имомнинг айтган гапларига ишонади ва қулоқ солади. Бу ҳолатдан маҳалла маслаҳатчиси ўз ўрнида самарали фойдаланиши мумкин.

Маҳалла имоми ва фаоллари маҳаллада ёшлар билан давра суҳбатлари олиб бориши керак. Давра суҳбатлари фақатгина маърузалардан иборат бўлиб қолса, уй бекалари зерикиб қолишлари

мумкин. Шу сабабли ёшлар билан келишган ҳолда давра саҳбати ҳар ойда бир маротаба мусиқа садоси-ю бир пиёла чой устида кўринишида ташкил қилиниб, унга ўша маҳаллада яшовчи ҳуқуқшунос ёки сиёсатшунос, эл севган шоира ва хаваскор санъаткорлар ҳам жалб қилинса нур устига аъло нур бўлур эди. Бу эса ўз ўрнида ёшларга ҳуқуқий, сиёсий билимлардан сабоқ, маънавий озуқа олишларига ёрдам бериши табиий.

Маслаҳатчининг ўзи ёшлар ўртасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга кўмак берадиган "Қуръони Қарим"нинг сура ва оятларидан, ҳадислардан ўринли фойдаланиб суҳбатлар ўтказиши лозим. Учта, тўртта келин олган, акли расо кишилар келин олиш, қиз чиқариш арафасида турган кишилар ўртасида ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши ўринли. Шунингдек, турли диний оқимларнинг асл мақсадларини фохш этувчи, диний экстремистик оқимлар таркибига кириб қолган ёшларнинг судланиш жараёни, қамокдаги ҳолати акс эттирилган, одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар қўлига тушиб қолган ёшлар тўғрисидаги, энг муҳими, фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмлар (дисклар) намойиш этилиши жоиз.

Маҳаллада маросимларнинг ихчам ва замонавий, албатта кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига эришиш мақсадида маслаҳатчи ўтказилаётган тўй, маъракаларни назорат қилиши керак.

Авваламбор, маслаҳатчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, Ўзбекистон Республикаси "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, уни ҳаётга жорий этишда фаоллик кўрсатмоғи лозим. Шунингдек, ислом диний сиёсий-оқимлар, уларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, зарарли оқибатлари ислом динининг муқаддас китоби "Қуръони Қарим", ҳадисларни ўқиб ўрганиб чиқишлари фойдадан ҳоли эмас.

III бобга якуний хулоса.

Ушбу бобда диний экстремизмнинг асл кўриниши, унинг қонли ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Шу билан бир қаторда уларга қарши курашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ҳақида илмий хулосалар берилган. Шунини айтиш жоизки, иқтисодиёт сиёсат, экология, маданият ва бошқа соҳалардаги глобаллашув жараёнлари билан бир қаторда терроризмнинг глобаллашуви ҳам ушбу жараённинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кундаги замонавий диний экстремизмнинг чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёни унинг мамлакатимизга ва халқимизга таҳдиди уларга қарши курашда маҳаллада маҳалла МФЙ ларининг диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг бугунги кунда олиб бораётган ишлари ҳақида уларга таклиф ва тавсиялар ушбу бобда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бунда кўрсатиб ўтилган таклиф ва тавсиялардан барча МФЙларнинг диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчилари фойдаланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилган профилактика тадбирларидан маълум бўлишича жуда кўплаб ёшлар ўзларини бўш вақтларини кўнгилли ҳамда мароқли ўтишини хоҳлайди, бу эса аниқ бир мақсадга етишиш учун асосий замин бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, маҳаллалардаги кичик оилавий ишлаб чиқариш цехлар шаҳарда ҳамда шаҳар атрофидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўрамида кўп миқдорда ташкил қилинаётган бўлса, шаҳардан узоқ қишлоқларда кам миқдорда ташкил қилинмоқда. Бу долзарб масалага барча туман ҳокимликлари ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашга мутаасадди ташкилотлар бунга алоҳида эътибор бериши лозим. Шунини айтиш жоизки, кўплаб МФЙ ларнинг мазкур масалалари бўйича ёрдамчилари ўзлари учун қулай хоналар, замонавий компьютерлар, кўргазмали қуруллар ва воситалар талаб даражасида бўлишини хоҳлайди. Ҳозирги кунда бундай масалаларга

жиддий қаралмоқда. Мазкур муаммолар бартараф этилса ёшлар билан ишлаш янада осонлашади.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёшни тарбиялаш, таълим беришдан асосий мақсад ҳам юртимиз истиқболи, эл-юртимиз фаровонлиги талаблари даражасидаги кадрларни етказиб беришдан иборат. Тобора равнақ топиб бораётган мамлакатимиз тараққиётида салоҳиятли, маънан етук, жисмонан соғлом авлод томонидан янада улкан муваффақиятлар қўлга киритилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Хулоса

Ушбу магистрлик диссертациясини ёзиш давомида Маҳалла институтлари ва уларнинг унсурларининг келиб чиқиши ва юксак маънавиятли баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ илмий методологик манбаларни ўрганиш, таҳлил, этиш ва умумлаштириш асносида Ўзбекистонда Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари институтларини янада ривожлантиришда эътиборга олишга молик бўлган қуйидаги хулосалар келинди:

- ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ билан маҳалла ўзини қадимий, анъанавий-ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислохотлар амалга оширилди;

“-тегишли ҳудуд аҳолисини бирлаштириш, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларни давлат, жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш

- тегишли ҳудудда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашга кўмаклашиш ;

-давлат , хўжалик ва ижтимоий –маданий қурилиш бўйича республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

-қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш

Мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш зарурати, мавжуд анъанавий институтларнинг (оила, маҳалла, таълим ва тарбия муассасалари ва бошқалар), бу борадаги фаоллигига эришиш ҳамда уларнинг ривожланишини етарли даражада қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган - жамиятнинг аъзоларининг юксак

маънавиятли комил инсон идеалини шакллантириш вазифаси айнан Шу институтлар иштирокида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатда туб сиёсий ислохотларни, авваламбор, жамият ҳаётини кенг кўламли эркинлаштиришни оғишмай амалга ошириш - қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг зарур шартларидан биридир. Ушбу демократик ўзгаришлар қонунийликка асосланган ижтимоий адолатни, пировард натижада, жамият ҳаётининг асосий мезони ва қондасига айлантиришга қаратилиши лозим. Бу борада фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий нуқтаи назардан юқори даражада бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бунга эришишнинг энг мақбул йўлларида бири ўсиб улғайиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли баркамол шахс этиб тарбиялашдир. Биз мазкур диссертация ишида юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, бир қатор амалий тажрибалар асносида таклифлар ва тавсияларни бериб ўтамыз.

Улар қуйдагилардир;

- Ёш авлодни юксак маънавиятли баркамол шахс этиб тарбиялашда жойларда фуқароларнинг Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида маҳалла тарихига оид ҳамда маҳалла ўрамида яшаган ҳалқимиз орасида юксак обрў- эътиборга эга бўлган кишиларни ҳаёт йўлига бағишланган экспонатлар билан жиҳозланган қишлоқ музейларини ташкил этиш,

- Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида бир дондан бадий адабиётлар кутубхонаси, интернет клубларини ташкил этиш ва унда назоратни амалга ошириш учун малакали педагогларни жалб этиш,

- Маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолига оилавий ва шахсий масалаларда яқиндан ёрдам берувчи малакалий психолог мутахассисларни жалб этиш,

- Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида аёллар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган спорт комплексларини қуриш,

- Маҳаллий аҳоли орасидан тузиланган, иқтисодчилардан иборат “Маслаҳат марказларида” ҳар ойда камида бир марта маҳалла ёшларига

тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш учун кўрсатма ва тавсиялар бериш, аҳолини ишсиз қатламини кредит маблағларини олиш ва ундан фойдаланишда амалий кўмак бериш,

- МФЙ лар жойлашган бино ёки унга яқин бўлган жойда прафилактори (ҚООП) инспекторларини биноларини ҳам жойлаштириш,

Юқоридаги билдирилган хулосалар ҳамда тавсиялар юксак маънавиятли баркамол авлод шаклантиришда маҳалла институтини нуфуздан унумли фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Раҳбарий адабиётлар

1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.

2.Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.

3.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.

4.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т. 4. - Т.: Ўзбекистон, - 349 б.

5.аримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. -429 б.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999. -413 б.

8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, - 525 б.

9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.-439 б.

10.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 б.

11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 -Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон,1997.-326 б.

13. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995.-74 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.
16. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида // Ўзбекистон овози. 2001. 6 дек.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2001. 7 дек.
18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. - Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 б.
19. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. - 966 б.
21. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т. 14. Т.: Ўзбекистон, 2006.
22. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.
23. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.
24. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Ватанпарвар, 2008 й. 12 дек.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.
// Халқ сўзи. 2009 й. 14 фев.

26. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2009.-25 б.

II. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. :Ўзбекистон, 2008.- 40 б.

2.“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 авг. Қарори // Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №9. 227-модда. 21-34 б.

3.“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997 йил 30 авг. қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №11- 12. 295-модда. 3-30 б.

4.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сент. Фармони // Халқ сўзи. 1992 й. 12 сент.

5.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 8 окт. Фармони. // Халқ сўзи. 1992. 8 окт.

6.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 окт. №480-сонли Қарори // Халқ сўзи.1992 й. 17 окт.

7.“Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 6 май қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. №5. 202-модда. 12-21 б.

8. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси 2004 й. 29 апр.қонуни. Т.2004 й.

9.“Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Халқ сўзи. 2003 й. 31 окт.

10.“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси 1993 й. 2 сент.

11.қонуни, 1997 йил 30 авг. 1998 йил 25 дек. ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 й. № 9. 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997.№9. 241-модда. 161-174 б; 1999 й. №1. 20-модда.115-129 б.

12.“Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 дек. № 583- қарори // Халқ сўзи. 1993 й. 4 дек.

13. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 май қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. №5. 127- модда. 47-49 б.

14. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 23 апр. Фармони // Халқ сўзи. 1998 й.24 апр.

15.“Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, ма ҳрака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й.28 окт. Фармони // Халқ сўзи. 1998 й. 29 окт.

16.“Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жихатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари

тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 14 апр. Қарори // Халқ сўзи. 1999 й. 15 апр.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 70 - Қарори “Обод маҳалла йили” тўғрисида // Халқ сўзи. 2003 й. 7 фев.

18. Европейская Хартия о местном самоуправлении // Ведомости Моссовета. 1991 г. №3. 62-64 с.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизхўжаев А.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 2008. -692 б..

2. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. - Т. 1999.- 243 б.

3. Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. - Т.: ТДЮИ, 2003. - 52 б.

4. Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари.-Т.: Академия, 1999. 184 б.

5. Вахобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари. - Т.: Адолат, 1995. - 145 б.

6. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -192 б.

7. Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -160 б.

8. Жалилов Ш.И. Маҳалла янгилаш даврида. -Т.: Меҳнат, 1995. -72 б.

9. Жалилов Ш.И. Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. -Т.: Ўзбекистон. 1999. -320 б.

10. Жалилов Ш.И. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. -Т. ЎЗМУ, Ворис-Нашриёт, 2007. -316 б.

11. Жалилов Ш.И. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 2003.-208 б.

12. Жалилов Ш.И., Ўразаев Т.А. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Т.: ЎЗМУ, 2006.

13. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. -Т.: Шарқ,

1998. -144 б.

14.Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. (илмий таҳлилий мақолалар тўплами). Т.,2003, -364 б.

15.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислам Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари.Т.: Ўзбекистон, 2001.- 367б.

16.Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. - Т.: Адабиёт ва сан ҳат, 1996. -24 б.

17.Миролимов Ш. Маҳалла меҳри - Т.: Наврўз 1994. - 96 б.

18.Муқимов З. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи.-Т.: Зарафшон, 1998.- 312 б.

19.Муқимов З. Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари. СамДУ.2003. - 157 б.

20.Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. - Т.: Камалак, 1991.-120 б.

21.Назаров И., Рўзиназаров Ш. Мустақиллик ҳуқуқ демакдир.- Т.: Ўзбекистон, 1998.-132 б

22.Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш асосларини ўрганувчиларга услубий қўлланма. - Т.: Чўлпон, 1996. -34 б.

23.Султонов С. А. Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар ва демократик институтлар тараққиётининг асосий йўналишлари -Т.: Ўзбекистон,2000.-217 б.

24.аджиханов У.Т., Одилқориев Ҳ.Т., Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик.-Т.: Шарқ, 2001. -752 б.

25.Темур тўзуклари. -Т.: Адабиёт ва сан ҳат, 1993.-344 б.

26.Тўлаганов А.Т.Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. -Т.: Университет, 1996. - 173 б.

27.Форобий А. Н. Фозил одамлар шахри.-Т.: Халқ мероси, 1993. -224 б.

28.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ,

2003., 512 б.

29.Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти : назария ва хорижий тажриба. Т. Янги аср авлоди, 2006.-203 б.

30.Ғуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси. -Т.: Адолат, 2003.352 б.

31. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. - Т.: Шарқ. 1996. 62 б.

IV. Мақолалар

1. Аҳмедов М.М. Ўзини ўзи бошқариш идоралари ва инсон манфаатлари // Конституция ва инсон манфаатлари (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Т., 1997. 152-155 б.

2.Бобожонов Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш босқичлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2001.№1. 22-24 б.

3.Бўриев О. Қишлоқ жамоаларини бошқариш анъаналари // Ҳаёт ва қонун. 2000. №2. 77-81 б.

4.Ваҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари // Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат тўплами.- Т., 1995. 142-143 б.

5.Гадойбоев А. Обод маҳалла – адолатли, демократик жамият таянчи.// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003 й.

6.Исмоилов Н.М. Кучли давлатдан кучли жамият сари: Ўзбек қонунчилиги асослари // Ҳаёт ва қонун. 2001 . №4. 5-6 б.

7.Комилов К.К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 1997. 149-151 б.

8. Мавлонов Ж. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти. Жамият ва бош қарув . 2008. 68-70 б.
9. Маликова Г. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш моҳияти // Жамият ва бошқарув, 2001. №1. 64 – 66 б.
10. Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини ўзи бошқариш органларини бугунги кунда фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 17-22 б.
11. Мўминов С. Беговта маҳалла // Фидокор. 2002 й. 4 фев.
12. Раҳмонов Р. Истиқлол ва маҳалла // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқ-лари. 2001. №1. 4-11 б.
13. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаровий жамият. Ҳуқуқ-Право-Лав. №4. 2000.
14. Саидов А.Х. Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида. // Халқ сўзи. 2002 й. 11 сент.
15. Саидов А.Х. Маҳалла умумий уйимиз. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқ-лари, 2003. №1. 7-9 б.
16. Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаш-тириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 11-17 б.
17. Саидов А., Раҳмонов Р. Обод, эркин маҳалла - адолатли, халқчил жамият таянчи // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003. №3. 38 б.
18. Саидова Х. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг долзарб муаммолари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2007. №2. 15-20 б.
19. Сувонқулов М. Ниёзов А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми // Қонун ҳимоясида, 5(77), 2002. 13-16 б.
20. Сувонқулов Ж.А. Конституцияни ўрганиш – давр талаби. // Конституция – демократик сайловлар кафолати. Юриспруденция йўналишидаги магистрант ва бакалавр талабаларнинг илмий - амалий анжумани материаллари. Т.: ЎзМУ, ҳуқуқшу нослик факул тети. 2008. - 161 б.

21. Сувонқулов Ж.А. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.// Ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. ЎзМУ нинг 90 йиллигига бағишланган ҳуқуқшунослик факультети профессор ўқитувчилари, магистрант ва бакалавр талабаларнинг илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: ЎзМУ, 2008 й. апрел ғ. - 282 б.

22. Сувонқулов Ж.А. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловининг конституциявий асослари. // Республика талабалари ва магистрларининг илмий – назарий анжумани мақолалари тўплами. Т.: ЎзМУ , 2008 й. 5-6 дек. - 312 б.

23. Умарова Г. Ўзини ўзи бошқариш органлари: шаклланиш тарихи, тажриба ва муаммолар // Жамият ва бошқарув, 2002, №1. 72-74 б.

24. Умарова Г. Маҳалла – ижтимоий бошқарув органи. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.2007. №2-3. - 78-83 б.

25. Чоршанбиев Ж. Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008.№2. -14-16 б.

26. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, хорижий тажрибалар ва амалиёт // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2001.- №1.-Б.30-37.

27.Қирғизбоев М.Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамияти асоси.//Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003.№1.32-34 б.

28. Қурбонов О. XXI аср маҳалласи: Муаммо ва ечимлар // Демократлаш-тириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №1. 24-28 б.

29. Ўринов С. Фуқаролик жамияти. Мулоқот. 1999. №2.

V. Диссертациялар ва авторефератлар

1. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти : тажриба ва муаммолар: Юрид.фан. докт. дисс. Автореф. -Т. 1994. -51 б.

2.Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номзоди... дисс. –Т., 2005.-174 б.

3.Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар) .Ю.ф.номзоди... дисс. автореф.- Т.2004. -24 б.

4.Сувонқулов М. И. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бош-қариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номзоди ... дис. автореф. -Т., 2002. -24 б.

5.Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. Тарих фан. номзоди. дисс. Т. 2003, -164 б.

6.Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. докт. Илмий дараж. олиш учун дисс.-Т.,2007.-342

VI. Интернет сайтлари

1. [www. tdpu. uz](http://www.tdpu.uz)
2. www. Ziyonet. uz
3. www. edu. uz
4. www. ma'naviyat.Uz
5. www. mahalla.Uz
6. www. LexUz
7. www. Kitob.Uz
8. www. Vzgly ad. Ru
9. www. Olam. Uz
10. [www. Andijonnoma@Inbox.Uz](mailto:www.Andijonnoma@Inbox.Uz)
11. www.UzA
12. www.XS.Uz